Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
8 сон
24 феврал — 2 март, 2005 йил



Спорт фидоийлари

# ПАҲЛАВОН МАҲМУД ИЗДОШИ

Бекжонов Баҳодирни Хоразм спортининг фидойиси, самимий ва беғараз дўст, меҳрибон мураббий сифатида яхши биламан. Таъбир жоиз бўлса, Полвонпирнинг вориси, десам муболаға бўлмайди.

Б.Бекжонов 1981 йилда "Хоразм ҳақиқати"да чоп этилган "Анъаналаримиз қаерда қолди?" номли мақоласида кураги ерга тегмаган машҳур Паҳлавон Маҳмуд анъаналарини давом эттириш зарурлиги ҳақида ёниб ёзган эди. Мана йиллар ўтиб, мустақиллигимиз шарофати билан унинг бу орзу-ҳавaслари ушалди ва ўзбек кураши қайта дунё юзини кўрди. "Спорт менинг ҳаётим, борлигим, ошим, ноним, тузим", - деганида уни минг бора тушунишга ҳаракат қиламиз.

Б.Бекжонов меҳнат фаолиятини 1972 йили мактабда жисмоний тарбия ўқитувчилигидан бошлади. Сўнг жисмоний тарбия институтини тугатди. 1990 йилдан буён эса Урганч туманидаги спорт мактабида бош мураббий бўлиб ишломоқда.

Баҳодир ака ўзбек кураши бўйича спорт устаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий. Самбо, эркин кураш, Рим-Юнон курашлари бўйича спорт усталигига номзод. "Ёшлар мураббийси", 1993 йилда "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" нишонларини олган. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси" фахрий унвони соҳиби.

Қаҳрамонимиз эркин кураш бўйича Республика тоифасидаги ҳакам, ўзбек курашида миллий тоифадаги ҳакам, шунингдек, Гуржистон халқининг миллий кураши - "Чиддаоба"нинг халқаро тоифадаги ҳакамидир.

Баҳодир ака Урганч туманидаги Анжирчи қишлоғида ўқитувчи оиласида дунёга келган.

- Раҳматлик отам Каримбой ака менга ҳамиша: "Барча майда-чуйда ишларингни қўй, спорт билан шуғуллан, сен кўп ишларга қодирсан, ўғлим", - дея кўп маслаҳат берардилар, - эслайди Баҳодир ака. Тўрттала ўғлига ҳам бирдек спортни севишни, ардоқлашни ўргатдилар.

Дарҳақиқат, Баҳодир аканинг акаси Ҳайитбой самбо кураши бўйича спорт устаси. Ўзбекистон ва халқаро мусобақаларнинг бир неча бор ғолиби. Укаси Наримон - Урганч туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори. Самбо кураши бўйича спорт устаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, ёшлар мураббийси. Кичкина укаси Марксбой эса эркин кураш бўйича спорт усталигига номзод.

Баҳодир Бекжонов Анжирчи қишлоғи ёшлари қалбида спортга муҳаббат уйғотишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бугун унинг шогирдлари орасида 30 дан зиёд кураш буйича спорт устаси, 3 нафар халқаро тоифадаги спорт усталари бор. Биргина шу қишлоқнинг ўзида бир нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, ўндан ортиқ спорт устозлари бор. Элликдан зиёд ёшлар курашнинг ҳар хил турлари бўйича Ўзбекистон ва халқаро мусобақаларда совринларни қўлга киритиб келмоқдалар. Қишлоқда «Болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси»нинг қурилишини бошлаш ишлари режалаштирилган. Ушбу хайрли бошламада ҳам Баҳодир аканинг муносиб ҳиссаси бор.

Баҳодир ака яқинда Хоразм вилоятида спорт тарихи ва шон-шуҳрати музейини ташкил қилиш ишларини бошлаб юборди.

Хоразмликлар Баҳодир акани вилоят телевидениеси ва радиосида спорт мусобақаларининг моҳир шарҳловчиси сифатида ҳам яхши танишади. Айниқса, кураш мусобақалари давом этаётган пайтда гўёки ўзи жонли иштирокчига айланиб қолади.

Баҳодир ака 5 ўғил-қиз, ширин-шакар невараларнинг меҳрибон отаси. Турмуш ўртоғи Гулбаҳор Собирова билан тинч ва осойишта турмуш кечирмоқдалар.

- Баҳодир ака, ёш спортчиларга қандай тилакларингиз бор? - дея савол бердик.

Ғалаба ва мағлубият ҳамиша ёнма-ён юради. Ёшларимиз эришган муваффақиятларидан мағрурланиб, кибрланиб кетмасликларини, мағлубиятлардан эса ўксиниб, тушкун кайфиятга берилмасликларини истайман. Тинимсиз машғулотлар, спортни жондек севиш, меҳнат, изланишлар натижасидагина юксак зафарларни қўлга киритиш мумкин. Спортда у ёки бу ёққа оғиб туриш, бекарорлик ярамайди. Танлаган йўлингизнинг тўғри ва ҳақ эканлигига ишонинг...

**55 баҳорни қаршилаётган фидойи инсон, меҳрибон устоз Баҳодир Бекжоновга тани-соғлик, бағри-бутунлик тилаб қоламиз.**

**Дилбар БЕКЖОНОВА,**
**Урганч шаҳри.**

# Аёллар ҳақида ҳикоялар



*Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани Оқмангит акциядорлик—тижорат «Пахтабанк» бўлими бошқарувчиси Бибифотима Жумамуратова замонамизнинг илғор аёлларидан бири.*



*Республика Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими раиси, «Маънавият ва маърифат» марказининг раис ўринбосари, шоира Ҳаётхон Ортиқбоева яқинда Олий Мажлис сенати аъзолигига сайланди.*



*Рақс инсон қалбининг кўзгуси. Фарғона Давлат университети талабаси Феруза Ортиқова ана шу касб сеҳру жозибасини эгаллаш учун тинмай изланмоқда.*



*- 2005 йилни хўжалигимиз аҳли улкан ютуқлар билан кутиб олди, - дейди Фарғона вилояти Олтиариқ тумани "Нуробод" ширкат хўжалиги раиси Лола Муротова. Бу йилги орзу-ниятларимиз эса янада улкан.*



*Сувратда: Республика «Оила» илмий-амалий марказининг Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи Қамбара Аҳмедова (чапдан) ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири Раҳима Ҳабибова навбатдаги ишлар хусусида суҳбатлашмоқдалар.*

*Сувратчи: О. НУРМАМАТОВ.*

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Бугунги кунда - аёлларнинг иш билан таъминланиш масалаларини ҳал қилиш, уларга меҳнат ва ўқиш шароитларини яратиб бериш, қобилиятли хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Хотин-қизларнинг нотижорат ташкилоти "Меҳр" уюшмасининг ташаббуси билан "Пойтахт" меҳмонхонасининг мажлислар залида "Жамиятнинг демократик янгиланишида хотин-қизларнинг ўрни ва роли" мавзуида Форум ташкил этилди.

Форумда 120 та делегат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Хотин-қизлар қўмиталари раислари, давлат корхоналари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар вакиллари, тадбиркор аёллар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларидан меҳмонлар қатнашдилар.

Унда Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатининг ривожланиш истиқболлари, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш жараёнида хотин-қизларнинг иқтисодий мавқеини ошириш, давлат ташкилотларининг нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан маърузалар тингланди.

Форумда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова иштирок этди.

**НИГОРА.**

**Ахборот**

Яқинда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги испан тиллари филологияси факультетида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва репродуктив саломатликка бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

## ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ—БАХТ КАЛИТИ

Анжуманда "Оила ва жамият" газетасининг бош муҳаррири, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист", таниқли адиба Дилбар Саидова, "Оила" илмий-амалий марказининг ходими, педагогика фанлари номзоди Даврон Холиқов, шу марказ маданият бўлими илмий ходими Қурбонсулув Норбоевалар иштирок этишди.

Улар ўз касблари билан боғлиқ, ҳаётда ўзлари гувоҳи бўлган, ибратли воқеалар ҳақида гапириб беришди. Қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Шарифа ХОЛМЕТОВА,**
**университет маданий-маърифий ишлари бўйича бўлим бошлиғи.**

## 1-март
## Зулфия таваллуди куни

# “БИР БОЛА БОР, ОТИ АЛИШЕР”

**(Ўзбекистон халқ шоираси, устоз Зулфиянинг бир шеъри тарихи)**

Фарғона шаҳрида сўлим тонг чоғи табиатнинг гўзал сеҳридан баҳра олиб, мухбирлик юмуши билан бир идора томон борардим. Рўпарамдан келаётган узун бўйли, елкадор, кўзойнак таққан истарали йигитни кўриб тўхтаб қолдим. Ахир бу Тошкентда - устоз Зулфияхонни уйларида бир неча бор кўрганим Алишер-ку! Алланечук ғурур-ифтихор, меҳр билан унинг исмини тилга оларди, Зулфия опа. “Кеча Алишер келди!” - дердилар бизга ишхонада ҳаяжондан энтикиб. Назаримда Алишер Зулфия опага Фарғонанинг мусаффо ҳаволарини, фарғоналикларнинг меҳр-оқибати-ю тиниқ табассумларини, ҳароратли саломларини олиб келиб ҳадя қилган...

* * *

1965 йил ёзда Зулфия янги шеърий гулдаста тузиш, дам олиш ниятида Фарғона вилоятининг сўлим Водил қишлоғида, Усмон Юсупов номли боғда яшаб, ижод қилди. Севимли шоиранинг шу ердалигидан хабар топган қишлоқ аёллари, шоира қизлар минг бир ҳаяжону истиҳола билан қўлларида гуллар, тандирда ёпилган жиззали нонлар, луччак шафтолилар билан йўқлаб келишарди. Табиатан одамижон, дилбар шоира қалам-қоғозга танаффус бериб, уларни қучоқ очиб кутиб олар, юракдан суҳбатлашар, илтимосларига биноан ҳали сиёҳи қуримаган шеърларидан ўқиб берарди...

Ана шу аёлларнинг бири-оддийгина кутубхоначи Саодатхоним бир куни: “Ёзганларини, чизганларини сизга кўрсатса майлими?” - деб ўғли Алишерни бошлаб келди.

Шоира бу ширин болани бағрига босиб: “Ўғлим Омонга жуда ўхшарқансан, камолга ет!” - деб эркалади. Ёнига ўтказиб, ўқишларини сўради. Чизган расмларини узоқ, синчковлик билан томоша қилди.

- “Водил манзараси”ни анчагина жонли чизибсан, Алишер, - деди Зулфия опа. - Шу расмни Москвага, болаларнинг “Костёр” журналига юбор!

Алишер шу кунги суҳбатдан ўзида йўқ севиниб, фикри ўсиб, бир қадар юксалиб уйига қайтгач, шоиранинг айтганини қилди.

Қарангки, кўп ўтмай, “Водил манзараси” “Костёр” журналининг биринчи муқовасида босилиб чиқди ва ёш рассомнинг “Артек”ка йўлланма билан мукофотлангани ҳақида ҳам эълон қилинди.

Дадасидан эрта етим қолган, оддий меҳнаткаш оила фарзанди учун, қишлоқ аёли Саодат опа учун бу кутилмаган севинч бўлди. Алишер болалар оромгоҳида дам олиб қайтди. Бу ҳақда Зулфия аяжонига севинчли мактублар ёзди. (Фарғонада ўз туққан онасини буви, бошқа яқинларини ая, деб аташади).

Болакайнинг ютуғидан бир олам ҳиссиётларга тўлиб-тошган, гўзалликдан, беғуборликдан беҳад завқлана оладиган шоира Алишерга атаб шеър ёзди: “Бир бола бор, оти Алишер!”

*Гўзал Фарғонада, сўлим*
*қишлоқда*
*Шинам бир ҳовлида яшар*
*Алишер.*
*Ўқийди. Гоҳ колхоз, гоҳ*
*ҳовли, боғда*
*Жондан кўмаклашиб*
*ишлар худди шер.*

Шеърнинг давомида шоира Алишернинг касб танлаш борасидаги ранго-ранг орзуларини, иқлимда тенги йўқ гўзал қишлоғи, сахий далалари, тоғларини, олма, узум узган қизлару кўкда ёнган юлдузлар расмини чизганини, “Артек”ка олиб борган рубоби, у ерда болакай топган дўстларини ва ниҳоят олға интилишдан толмаган инсон орзусига етиши муқаррарлигини... қаламга олади. Бу шеър шоиранинг “Йиллар” китобида Водилда ёзилган ўнлаб шеърлари қаторида нашр этилди. Китобни бағрига боладек босиб, энтикиб кетган кутубхоначи Саодат опа Алишер билан Тошкентга отланди. Шу-шу Тошкент билан Водил орасидаги масофа бир неча юз баробар қисқариб, булар худди туғишганлардек яқин бўлиб кетишди...

Алишернинг шинам, камтарин хонадонида унинг рафиқаси Манзурахон учовимиз фақат Зулфия опа ҳақида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Алишер жавондан Зулфия опа тақдим этган китобларни, сувратларни авайлабгина олиб, худди кафтида офтоб тутгандек менга узатар, гоҳ қўшни хонада дарс тайёрлаётган ўғилларидан хабар олар, гоҳ соғинч ҳиссига тўлиқ ҳикоясини давом эттирарди.

- Қачон ўша табаррук хонадонга кириб борсам аям тушкун кайфиятда бўлган чоғларида ҳам, ижод дардида ёнган пайтларида ҳам кўзлари чарақлаб, суюниб, соғиниб кутиб олардилар. Соғлиғим, ўқишим ҳақидаги гап аям учун жуда муҳим эди. Ҳа, аяжон бир умр мени кузатиб, тергаб, йўлимни топиб олишимга ёрдам бердилар. Мактабни тамомлаб, Тошкентга келганимда машҳур рассом Чингиз Аҳмаров ҳузурига бошлаб бордилар. Чингиз ака чизгиларимни обдон кўздан кечириб, ўртача рассом бўлишим мумкинлигини айтди.

- Ўртача рассом бўлгандан кўра, яхши олим, яхши ўқитувчи бўлиб етишсанг, кўпроқ фойда келтирасан, ўғлим! - дедилар аям. Ва мен қаттиқ тайёргарликдан сўнг университетга ўқишга кирдим. Талабалик пайтимда аям: "Тез-тез келиб тур, Алишер, сенинг шу уйда ризқинг бор, сира тортинма!"-деб тайинладилар. Шунинг учунми, бу хонадонга худди ўз уйимдек кириб келардим ва аямнинг, Ҳулкар опам, Омон акамнинг меҳридан, суҳбатларидан фикрим, уйим, кўнглим ўсиб, юксалиб, ётоқхонага қайтардим. Пахта теримига ёрдамга кетганимизда орқамдан сархил озиқ-овқатлар солинган туҳфани бот-бот жўнатганларини унута олмайман. Ўшанда уйимнинг, бувижонимнинг узоқдалиги сезилмаган. Ҳулкар опам, Омон ака худди ўз опамдек, акамдек хабар олишиб, меҳрибончиликлар қилишган, ёрдамларини аямашаган. Ҳозир ҳам шундай!

Алишер ҳаяжонини яшириш учунми, чойни янгилаш баҳонасида ошхонага ўтади. Манзурахон хуш табассум билан кириб-чиқиб такаллуф кўрсатади. Гоҳо суҳбатга қўшилади.

- Аямлар нуқул: “Келинниям олиб кел, Алишер!” - деб тайинлаганларидан сўнг мениям олиб борганлар Тошкентга. Аямнинг салобатлари босиб, бир оғиз гапираолмай қолганларим ёдимда. Шундай меҳрибон эдиларки... Шеърларини эса болалигимдан севиб ўқирдим.

Зулфия опанинг дастхати битилган китобларни варақлайман: **“Алишержон! Табиат сенга берган гўзалликдан зиёд сифатлар бор. Ҳалоллик, инсофлилик, олижаноблик. Онадан тортиб, барча эзгулик ва гўзаллик олдида тиз чўкмоқ, унинг қадрига етмоқ. Бу сени яна ҳам безайди. Камолот деб аталадиган чўққига меҳнат билан бир қаторда кўтаради.**

**Бахтли тақдир ва узоқ умрли бўл, ўғлим!**
**Зулфия.**
**12.IV.1976 йил”**

Устоз дуоси, устоз башорати вожиб бўлди. Алишер Юнусов университетни имтиёзли диплом билан тугаллади, аспирантурада ўқиди, изланди, диссертация ҳимоя қилди. Ҳозир у Фарғона Давлат университетида халқаро иқтисодий алоқалар кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент. Обрўли муаллим. Манзурахон фалсафа фанлари номзоди. Фарғона Политехника институти ўқитувчиси. Шамшод, Зиёд, Бунёд, Сайёд исмли ўғиллари бор.

Қарангки, тортинчоқ, камтар Алишер бу қутлуғ хонадонга келган меҳмонлар қаторида Зулфия опа билан бор-йўғи бир марта сувратга тушган экан. Ўша ягона суврат орқасида шундай ёзувлар бор:

**“Алишержон, менинг ўғлим, қадрдоним. Сени Водилдай беҳиштда мен билан таништирган онларга ташаккурлар бўлсин! Бир ўсмирнинг кўзим, ўйларим, сўзларим олдида яхши бир инсон, одобу аҳлоқнинг ёрқин ифодаси, ақлу идрокнинг нурли, шуурли фарзанди бўлиб етишган инсонга - бугун табаррук ёшимда сенга ушбу сувратни топшираётганимдан шодман. Неча-неча йиллар эрта баҳорнинг илк кунида қаерда бўлсанг-да, ҳаммадан олдин келиб, мени йўқловларингдан она каби ифтихордаман. Сени дунёга келтирган ота-онанг руҳига раҳматлар ёғилсин.**

**Зулфия аянг**
**1 март 1995 йил.”**

Ҳа, баҳорнинг илк куни - 1 март устознинг таваллуд кунлари Алишер қаерда бўлса ҳам Тошкентга етиб келарди. Ҳарбий хизматни ўтаган пайтида Германиядан сим қоқиб табриклади. Аясининг овозини кўнглидагидек эшитолмади. Иккинчи йили эса у атай хизмат сафари билан Москвага келди ва Тошкентга сим қоқди. “Аям Москвадалар, - деди Ҳулкар опа. - Тинчликсеварлар Конгрессида иштирок этаяптилар”.

Алишер севиниб кетди. Меҳмонхона номини сўраб олди-ю, топиб боргач, лифтни ҳам кутмай, тўққизинчи қаватга учиб чиқди.

- Тушимми, ўнгимми?! - эшикни очган Зулфия опа ҳарбий кийимдаги басавлат йигитни кўриб шошиб қолди. - Бормисан, Алишер!

Ўша дақиқаларда шоирани Марказий телевидениега таклиф қилишган ва у мажлисдан қайтиб, эндигина ўша ерга отланиб турган экан. Дарҳол сим қоқишга киришди. “Германиядан ўғлим келди. Интервью бериш учун бора олмайман, узр?!”

- Ўшанда аям мени биринчи қаватдаги ресторанга таклиф қилдилар, - дейди Алишер, - билмадим неча соат суҳбатлашиб ўтирдик. Икковимизнинг ҳам гапларимиз, қувонч-ташвишларимиз йиғилиб қолганди. Юракларимизни бўшатиб, қушдек енгил тортдик. Ва мен кечки поездда изимга қайтдим. Ўша 1973 йилнинг 1 март куни мен учун энг бахтиёр кунларимдан бири бўлиб қолди.

Алишер ўша дамларни соғинч, фахр билан қўмсайди. Лекин энди қайтиб келмайди у ширин, унутилмас чоғлар. У баланд руҳда ҳикоясини давом эттиради.

- Мен бахтлиман, опажон, - дейди майин жилмайиб, - шундай ажойиб, бетакрор инсон билан она-бола тутиндик. Кўп меҳрибон инсонларни кўрдим. Тузларини ичдим. Йўл-йўриқлари билан ҳаётда ўрнимни топиб олдим, ўзлигимни танидим. Гарчи у табаррук хонадонга ташриф буюрган не-не буюк зотлар олдида бир заррадек бўлсам-да, аяжон мени улар қатори кўрарди. Ардоқларди. Жим бўлиб кетсам йўқларди.

Гапнинг очиғи мен аяжондан: “Дастхат ёзиб беринг”, - деб илтимос қилишга тортинардим - назаримда бегоналашиб қолаётгандек бўлардим. Ўзлари лозим топгандагина ёзган тўрт дастхатларини нур каби авайлайман, ёзувларини кўзимга суртаман. Мана, яна бир дастхат: **“Бугун қўлингда аъло диплом билан бизникига кириб келдинг. Беҳад қувондим, фахрландим...”**

**Яхши ўқидинг, яхши яшадинг. Мен ҳамиша кузатиб, севиниб юрдим. Водилда бу кунни, дақиқаларни санаб кутдилар. Албатта Водилда яшаб ишлаш шарт эмас. Энг муҳими, Водилдагиларнинг, айниқса мушфиқ онангнинг ишончини оқлаш.**

**Яна ўқирсан, ишларсан - ҳаммаси элга, юртга хизмат деб аталади. Сенга, шахсан ўзингга ўхшаш ўктам, ҳақиқий муҳаббат, садоқат, бахт ёр бўлсин!**

**Сени ўпиб Зулфия.**
**30.VI/1972 йил”**

Вақт ўтган сари мундоқ ортга ўгрилиб қарасам, ҳар бир дастхат - ҳаётимнинг маълум бир даврига берилган баҳо ва барига аяжоннинг меҳрлари, ишончлари ва умидлари сабаб бўлган экан. Менга бу дастхатлар машаққатли пайтларда йўл кўрсатгандек, маънавий таянч нуқтаси вазифасини ўтагандек, ҳаётдаги турли нохушликлардан қалқон мисоли сақлаб тургандек туюлаверади.

Эҳ-ҳе, аям умри давомида қанча одамларга бағрини очди, яхшилик қилди. Қанча шогирдларга вақтини, умрини, шеърият ҳақидаги қимматли сабоқларини бағишлади. Бу хонадонда мен жаҳондаги буюк адибларни кўришга, нафасларини туйишга мушарраф бўлдим.

Ҳа, аяжоним ҳамма учун - мен учун, сиз учун, халқимиз учун яшаб, ижод қилдилар. Ва ҳаммани севишга ўзларида буюк куч-қудрат топа олдилар.

**Санъат МАҲМУДОВА.**



*Зулфия опа ҳаммани қадрлай олар эдилар. Шу сабабдан ҳам эл ардоғига, шарафига муяссар бўла олдилар.*



# Меҳр-мурувват ҳақида ҳаётий лавҳалар



## ЮЗДАГИ НУР



Фотима ая бир умр ўқитувчилик қилиб, пенсияга чиқди. Уч ўғли топармон-тутармон. Улар онасини Ҳажга боришини исташади. Фотима ая ўғилларини дуо қилиб, шундай дейди:

- Майли, атаганларингни беринглар. Лекин Ҳажга бораманми, бормайманми, ишларинг бўлмайди. Бу ёғи менинг ихтиёрим.

- Сиз нимани маъқул кўрсангиз, шу!,-розилик беришди ўғиллари.

Мана шу қишлоқнинг чеккароғида Майрамхон исмли аёл яшайди. Бир этак фарзанди бор. Аммо эри ношудроқ. Бироқ Майрамхон фарзандларининг олдида эрининг ҳурматини жойига қўяди. Бу оиланинг катта ўғли Ҳосилбек ўттиз ёшга тўлди. Уни уйлантиришга рўзғордан ҳеч ошира олишмаяпти. Шу қишлоқлик бир фермер тўйни ўтказиб беришни ўз зиммасига олди. Лекин бунга Ҳосилбек розилик бермади. Орияти, йигитлик ғурури йўл қўймади.

Майрамхон ая эса: “Ўғлингизни қачон уйлантирасиз?”- деган гапни эшитишдан безиллаб қолган. Тез-тез иситма чиқиб, дардини ичига ютиб, тўшакда ётаверади.

Кунларнинг бирида Майрамхон сиқилганидан кечаси билан ухлай олмай чиқди. Тонгга яқин кипригига уйқу қўниб, бир фурсат ором олиб қолибди. У уйғониб ёнига қараса, ёнида оқ салафан халта турганмиш. Бу халта қаёқдан келди, дея четга олиб қўймоқчи бўлса, оғир экан. Халтани очиб қараса, ичи тўла пул! Майрамхон ая ҳайрон бўлиб болаларни уйғотибди. Болалар ҳам ҳайрон қолишибди. Халтанинг ичида бир парча қоғоз ҳам бор экан. Унга шундай сўзлар ёзилибди. “Бу пулни Ҳосилбекнинг тўйига ишлатинглар. Менинг кимлигимни билмай қўя қолинглар. Пул учун минг-минг розиман...”

Бу уйдагилар пулни “Оллоҳнинг ҳадяси”, деб қабул қилишди. Пулни тонг саҳарда ким қўйиб кетганини биров билмади. Тўй ўтди. Лекин пулнинг эгаси ким эканлигини ҳанузгача ҳеч ким билмасди.

Тўйнинг эртасига Фотима ая Улуғнор туманида яшаётган ўғлини кўргани йўл олди. Учкўчада машинадан тушиб, бу ёғига бир чақиримча пиёда юриш керак эди. У уч-тўрт қадам босар-босмай, ёнгинасига “Тико” машинаси келиб тўхтади. Ҳайдовчи Фотима ая томонга бўйланди:

- Қаёққа олиб бориб қўяй, Ҳожи она?

Фотимахон ая таажжубда ҳайдовчига юзланди.

- Мени Ҳожи она эканлигимни қаёқдан билдингиз?

- Шуни билмасам, қанақа одам бўлдим, - жавоб қилди ҳайдовчи. - Юзингиздан нур ёғилиб турибди-ку, Ҳожи она.

Тангрининг инояти билан Холисхон аянинг юзига бир кечада нур балқиб қолганди.

## ОНАДАН ҚОЛГАН ХАТ

Холисхон ая эридан тул қолиб, беш фарзандни уйлаб-жойлади. Унинг кенжа ўғли Улуғбек ногирон эди. Ҳар қалай унинг тенгини топиб уйлантириб қўйдию, аммо Холисхон аянинг ўзи касалликка чалиниб ётиб қолди. У ўлимидан уч-тўрт кун олдин фарзандлар жам бўлишганда, шундай васият қилди:

- Аҳил бўлинглар! Мен ҳаммаларингдан розиман. Улуғбекдан мурувватларингни аяманглар. Сизларга хат ёзиб қўйдим, мендан кейин топиб ўқирсизлар...

Онадан сўнг ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида оқибат кўтарилди. Кўп ўтмаёқ Улуғбекнинг хотини ташлаб кетди. Катта опанинг эса эри қамалиб, тўрт фарзанд унинг қўлига қараб қолди. Бу ҳам етмагандек, унга касаллик ёпишиб, анча вақт касалхонада ётиб қолди. У хиёл тузалиб, шифохонадан чиққанида, уйдагилар Улуғбекни ногиронлар уйига олиб бориб қўйишган экан.



- Бу нима қилганларинг, - зорланди катта опа. - Онамизнинг васиятини дарров унутдингларми?

- У ерда шароит яхши экан, - тасалли беришди унга. - Улуғбекнинг ўзи илтимос қилди. Хотини ташлаб кетди, тақдирга тан бермай иложи қанча.

- Уни қайтариб олиб келаман, - деди катта опа. - Хотини билан яраштириб қўйиш керак. Шунчаям ўкситамизми, бечорани.

- Олдин тўртта болангизни боқиб олинг. Ўзи қарзга ботиб турибсиз. Батамом тузалиб кетганингизда ҳам бошқа гап эди. Қўлингиз жуда юпқа-да, опа?

- Барибир олиб келаман. Маҳалла-кўй нима дейди?

Катта опа айтганини қилди. Ҳовлининг бир чеккасига сартарошхона қурдириб, Улуғбек сартарошлик қила бошлади. Катта опа елиб-югуриб, Улуғбекни хотини билан яраштириб, алоҳида хонани ажратиб берди. Улар битта қозондан овқатланадиган бўлишди.

Улуғбекнинг хотини қандолатчиликни ўрганиб олган экан. Уйдагиларнинг ҳаммаси ана шу ишга астойдил ёпишишди. Бу оилага аста-секин барака оралай бошлади. Дори-дармон сотиб олавериб, қарзга ботган катта опа икки йил ўтгач, ука ва сингиллари орасида энг бадавлати бўлиб қолди.

Яқинда Холисхон ая ёзиб қолдирган хат топилди. У эски ҳужжатлар орасида экан. Унга шундай сўзлар битилганди: “Ким-ки, Улуғбекка шафқат қилиб, менинг руҳимни шод айласа, Оллоҳ унинг ризқ-насибасини улуғ қилсин. Оллоҳу акбар!”

## БЕШИКДАН ЁҒИЛГАН БАРАКА

Бу қишлоқда ёши энг улуғ киши Тошхон буви. У бир юз уч ёшга тўлди. Унинг олти ўғил, беш қизи бор. Невара-чеваралари билан бир қишлоқ бўлиб кетишган.

Қишлоқда ким “бешик тўй”и қилса, Тошхон бувини тўйбоши қилиб қўйишади. Чақалоқни бешикка белаб, яхши тилакларни шунақаям келиштириб айтади-ки, ҳеч ким бу ишни Тошхон бувичалик уддалай олмайди.



Ўтган куни Солияхон ая тўнғич неварасига “бешик тўй” қилди. Ҳовлида болакайлар шунақаям кўпайиб кетишди-ки, Солияхон ая “қанд-қурсим озроқ эди”, - дея ташвиш чека бошлади. Тошхон буви эса халтанинг оғзини шимариб, ҳовучига тўлдириб ширинликларни олди-да, “Бисмиллоҳу раҳманир раҳим!” - дея уларни бешик устидан соча бошлади. Халта гўё сеҳрлига ўхшайди. Ундан қанча қанд-қурс олмасин, тугамайди. Тошхон бувининг қўли ана шунақа баракали. Бунинг сабабини ҳеч ким билмайди.

Болалар қийқиришиб, яйрашганда Тошхон буви гўё ёшариб кетганга ўхшайди. Солияхон ая ҳам Тошхон бувининг хизматидан кўнгли тўлиб, кўзига ёш олди.

- Сиз қўл урган ишга ўз-ўзидан барака кириб кетади-да, эна.

- Гап менинг қўлимда эмас, - жавоб қилди эна. - Барака ҳар қачон ҳимматга эргашган бўлади. Болалар яйраган жойга бараканинг ўзи топиб келаверади.

Тошхон буви халтада биронта ҳам қанд-қурсни яшириб қолмайди. Ҳаммасини бешик устидан сочиб, ўзи ҳам яхши ният қилиб, ундан уч-тўрт дона териб олади. Бешикка урилиб тушган ширинликда ҳосият бошқача бўларкан. Чунки унга чақалоқнинг зийнати, бешик эгасининг ҳиммати тўла сингиб қолган бўларкан. Шу боисдан дунёда чақалоқнинг бешигига урилиб тушган ширинликдан ҳалолроқ, тотлироқ ризқ-насиба бўлмас экан.

## МИННАТСИЗ НОН

Қариганда Исмоил тоғанинг кўзлари хиралашиб, бир жойда ўтириб қолди. Айвондаги сўрида ёлғиз ўтиргани-ўтирган.



Унинг биттагина ўғлини трактор уриб юбориб, касалхонадан ўлигини олиб келишди. Ҳовли ивирсиб кетган. Қўшниси Ширмонхон ая ўғиллари билан чиқиб, ҳовлини саришталаб туришади. Бугун ҳам Ширмонхон ая дарвозадан кириб, овоз берди:

- Қалай, яхши ўтирибсизми, тоға? Сизга жизза нон олиб чиқдим.

- Кам бўлма, қизим! Лекин хафа бўлмайсан, сенга битта саволим бор.

- Бемалол, тоға!

- Аввало мендан хабар олиб турганингга хурсандман. Мабодо сенга ҳовли керак эмасми?

- Қанақа ҳовли?

- Менинг ҳовлим-да! Тўртта ўғлинг бор, ахир! Бошингда эркагинг йўқ.

- Йўқ, керак эмас. Ўғилларимнинг пешонасига битгани бордир, тоға.

- Унақа бўлса, жизза нонингни емайман.

- Нега сўрадингиз, тоға?

- Мана бу қўшним чиқиб: “Ўлгунингизча иссиқ-совуғингиздан хабар олиб турамиз. Фақат ҳовлингиз бизга қолиши ҳақида тилхат ёзиб беринг”, - деди. Ана шунга, сенга ҳовли керак эмасми, деб сўрадим. Биров ўлишингни кутиб турса, томоғингдан овқат ўтмай қоларкан.

- Неча йилдан бери қўшнимиз, тоға. Шу битта нонниям миннат билан берсам, инсофдан бўлмас. Бизни дуо қилсангиз бўлди. Кирларингиз бўлса, беринг, ювиб берай.

- Албатта дуо қиламан. Анави Равшанбек деган ўғлинг қўлига резинка кийиб уришадиган бўлибдими?

- Ҳа, тоға. Бокс деган мактабга бораяпти. “Унақангни қўй”, -десам унамаяпти.

- Шаштини қайтарма! Ҳойнаҳой, Оллоҳ кўнглига ана шуни маъқул солган. Ғайрати борлигига шукр қил. Ўғил болада ғайрат бўлмаса, муғомбир, писмиқ бўлиб қолади. Ўғлингга ғайрат, топганларингга барака берсин, Оллоҳу акбар!

Ширмонхон аяга ана шу дуо кифоя эди. Кечки пайт Равшанбек дарвозадан қаддини ғоз тутиб кириб келди. Айнан Исмоил тоға дуога қўл очган паллада, рақибини енгган экан.

**Комилжон НИШОНОВ.**

# БОЛАМДАН АЖРАТМАНГ, ОТАЖОН!



Таҳририятга кириб келган 20 ёшлардаги қиз менга мурожаат қилди:

- Йўлакда гаплашсак бўладими? - ҳамкасбларимдан уялди шекилли, қиз ерга қаради.

Фойега чиққач, аввал кўзлари жиққа ёшга тўлди. Сўнг:

- Опа, мени боламдан бутун умрга ажратишмоқчи... Нима қилишга, кимдан нажот сўрашга ҳайронман... - дея йиғлаб юборди.

**- Болангизни сиздан олиб қўйишга Оллоҳдан ўзганинг ҳаққи йўқ!**

**Бу гап қизга далда бўлдими, бироз чиройи очилди.**

- Тўғриси ҳамма айб ўзимда... - ҳикоя қила бошлади қиз. - Ўртаҳол оилада туғилиб, ўсдим. 4 та укам бор. Ёлғиз қизман. Отам ниҳоятда қаттиққўл одам. Тоғамнинг ҳовлиси ҳам бизга ёнма-ён жойлашган. Кўпинча уларникида кеннойимнинг ишларига кўмаклашардим. Чунки, тоғам хусусий тадбиркорлик билан шуғулланар, уйларига келиб-кетувчилар кўп бўларди. Менинг ёрдамимни ҳисобга олиб, тоғам бизга ҳам "қарашиб" турардилар. Шу орада тоғамнинг ўртоғи А.исмли йигит менга ҳазил-ҳузул қиладиган бўлиб қолди. Баъзан чойовқатдан хабар олган бўлиб, ошхонага кирар, "ёқимтойсиз", дея қўлимни ушламоқчи бўларди. Унинг оиласи, болалари борлигини эшитиб, қанчалик ўзимни тортмай, барибир кўнглим унга талпинадиган бўлиб қолди, ширин сўзлари ақлу хушимни ўғирлади. Бир куни... ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. У тоғамни йўқлаб келиб қолди. "Мени севиб қолганини, менсиз яшолмаслигини" айтиб... мени бағрига босди... Ўзимни йўқотиб қўйдим... Ҳали ҳеч кимга бунчалик яқин бўлмаган эдим. Ихтиёримни унинг қўлига топширганимни билмай қолдим... Ўша ҚАРО КУНда мен уники бўлдим...

**- Унинг хотини, ҳеч бўлмаса болалари ҳақида ўйламадингизми?**

- Ҳеч ким кўзимга кўринмай қолди... - Қиз елкалари силкиниб-силкиниб йиғларди. Мен эса уни юпатишни ҳам, койишни ҳам билмасдим. Шу тобда "гуноҳкорлар"нинг биргина "ортиқча" қадами қанча дилларни хун қилиб, ҳаётини заҳарлаганини ўйлаб, қийналардим.

**- У сизга «уйланаман», деб сўз бердими?**

- Йўқ... У менга кейинроқ... ҳомиладорлигимни айтганимдан сўнг "Алоҳида уй олиб бераман. Хотиним, болаларимга билдирмай, сен билан ҳам учрашиб тураман", - деди. Мен эса рози бўлмадим... Ота-онамдан рухсат олиб тадбиркорлик қилгани кеннойим билан Россияга қатнай бошладим. Ҳомилам эса тобора билиниб борарди. Ахийри сиримни кеннойимга айтдим. Кеннойим бу гапни эшитиб, довдираб қолди. "Тоғангиз билса, иккимизни ҳам ўлдиради", - деди. Сўнг: "Тоғангиз унинг қариндоши бўлмиш қизни "шундай қилиб" ташлаб кетган. Улар аламзада бўлиб қолишган эди. Йиллар ўтиб, у қандай қилиб тоғангизга "дўст" бўлиб қолганига ҳайрон бўлувдима! Нияти ёмон экан-да... Бу воқеани энди ҳеч кимга билдирмай, бошқа жойда туғиб, болангизни бировга бериб юборинг", - дея мендан ўтинди.

Уйда кам бўлардим. Охирги марта онам мени кўриб: "Семирибсанми, қизим", - деб сўраганларида, сир бой бермай: "Ҳа..." - деб қўйдим-у, юрагим "шув" этди.

А. билан учрашганда кеннойимнинг айтган гаплари рост-ёлғонлигини сўрадим. У эса кулиб: "Рост. Сен билан бирга бўлиб, тоғангдан "ўч" олмоқчи эдим. Аммо сенга раҳмим келгани учун уй олиб бермоқчиман", - деди.

Қалбим чил-парчин бўлди! Ҳаётга қизиқишим қолмади. Ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Аммо кўксим остида ўсаётган "жон" йўлимни тўсиб турарди. Мен Россияга қатнашни канда қилмадим. Ўша ердан бир ўрис акушерка-доя билан танишиб, бошимдан ўтганларини гапириб бердим. У мени ўзи туғдириб олишини, болани эса унга қолдиришим мумкинлигини айтди. Доя хотин тиббиёт ҳаражатларини тўлашни ўз зиммасига олди.

Бу пайтга келиб, кеннойим олди-сотдини йиғиштирган, мен Россияга ёлғиз қатнай бошлагандим. Оғир юк кўтаравериб, муддатидан олдин йўлда тўлғоқ тутиб қолди. Амаллаб ўрис хотинникига етиб бордим. У ўзи ишлайдиган касалхонада яширинча туғруқ қабул қилди. Қиз кўрдим. Уни бағримга босарканман, мени шу қадар илиқ бир туйғу чулғаб олдики, сўз билан таърифлолмайман! Тугмадеккина оғзичаси, қоп-қора сочлари, лўппи юзлари, ҳеч нарсадан бехабар қоп-қора кўзлари... Ўша дақиқадан У менинг жону жаҳонимга айланди. Унинг "чўлп-чўлп" эмишини кўриб, умримни беришга тайёр бўлиб қолдим. Мен ўрис дояга берган ваъдамдан қайтдим. Ўрис аёл аввалига бироз ранжигандек бўлди-ю, аҳволимни кўриб раҳми келди шекилли: "Бўпти, ўзи қийналган аёл экансан, мендан бошқа одам бўлса, "дод-вой"инга қарамай болангни олиб қоларди. Майли, тиббиёт харажатларини тўлагину, болангни олиб кетавер", - деди. "Худога шукр, яхши одамлар ҳам бор экан", - дея аёлнинг юзларидан ўпиб олдим. Аёлнинг кўзларига ёш тўлди. Ҳатто битта таниш доя аёлни топиб, бола катта бўлгунича, боламга қараб беришини айтди.

Болам билан мени аёл ўз уйида 1,5 ой парвариш қилди. Мен жигарпорамни унга қолдириб, парваришига пул тўладим-да, уйимга қайтдим. Вақти-вақти билан боламдан хабар олиб туришга ваъдалашдим. Уйдагиларга эса "мазам қочиб, касалхонага тушиб қолдим", - деб баҳона қилдим.

Орада Россияга бирга борадиган аёл билан танишдим. У ёкқа борганда аёл боламни кўриб, сиримдан огоҳ бўлди. Ҳеч кимга айтмасликка сўз берди. Ўртага катта пул ташлаб, олди-сотди қилиб юрдик. Бир куни менинг 500 мингча пулимни олиб, чет элга кетиб қолди. Ҳамма томондан қарзга ботиб кетдим. Аёл сафардан қайтиб: "Пулингни қистайверсанг, сирингни ота-онангга ошкор қиламан", - деди. Аммо менга пул жуда зарур бўлгани учун ундан воз кечолмадим. Аёл айтганини қилди (пулни эса бермай жўнаворди). Отам жаҳл отига миниб олди. "Болангни сотиб, қарзларни тўлайсан", - деди. Мен эса: "Бундай қилманглар, мени боламдан ажратманглар", - деб йиғлаб, онамга ёлвордим. Онамнинг менга раҳми келса-да, чорасиз эди. Отам гапида қатъий туриб олди.

**- Боланинг отаси кимлиги ҳақида сўрашмадими?**

- Сўрашди. Айтмадим. А.га ҳам "бола нобуд бўлган", деганман.

Бугун менинг бирдан-бир ниятим—боламни сақлаб қолиш. Тўғри, мен гуноҳкорман. Уни қоним билан ювишга ҳам тайёрман. Аммо боламни сотиш эвазига эмас! Мен отажонимга қалбимдагиларни қандай қилиб тушунтиришнинг йўлини тополмаяпман.

Опажон, газеталарингизни отаонам яхши кўриб ўқишади. Кўпчиликка ёрдам берганларингиз ҳақида ҳам эшитганман. Илтимос, мендан ҳам кўмагингизни аяманг.

**...Қизнинг титраб-қақшаб қилаётган илтижосини кўриб, ўйлаб қолдим. Бир қадам нарида одамни нималар кутиб турибди, бу ёлғиз Худога аён. "Гуноҳкор қиз"нинг қилмишларини оқлаб бўлмаса-да, "тирик мурда" бўлиб яшашга маҳкум этиш тўғри бўлармикин? Ахир у боласи билан бирга бўлишни истаяпти-ку! Бегуноҳ гўдакда нима айб? Агар у сирини ёпиш учун болани "йўқ қилганида" ёки кўчада қолдириб кетганида яхши иш қилган бўлармиди?! Болага Тангрининг раҳми келибдику, наҳот бандасининг кўнгли эримаса? Бўлган иш бўлибди... Энди вақтни ортга қайтаришнинг иложи йўқлигини отахон наҳот тушунмасалар?**

**Сиз нима дейсиз, азиз мухлис?**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА.**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ЭРКАККА ОЖИЗЛИК ЯРАШМАЙДИ

Хонамга бир эркак кириб келиб саломлашди-ю, энди мен билан гапни бошлай деганида чўнтагидаги қўл телефони жиринглаб қолди.

У мендан узр сўраб гўшакдаги аёлга:

- Мен "Оила ва жамият" газетасининг таҳририятидаман. Кейинроқ бораман, - дея телефонини яна чўнтагига солди.

- Узр, синглим. Хотиним сизларнинг газетангиз деса ўзини томдан ташлайди. Бир масала юзасидан келгандим,-дея сўзини бошлади.

Акмал исмли бу киши Тошкентга яқинроқ туманлардан бирида муҳандис бўлиб ишларкан.

- Келишдан мақсадим шикоят эмас. Дилимдаги 30 йиллик армоним холос. Назаримда буни хотиним ҳам яхши билади. Лекин индамайди. Тўғри, ёшлигида бирикки тўпалон кўтарганидан кейин, унинг дўхтир бўлиб ишлайдиган опасига сабабини айтгандим, мени тушунди. Синглиси ҳам анча насиҳатлар қилди. Мана, орадан ўттиз йил ўтди. Умр оқар сув деганлари шу бўлса керак-да...Ўша тўйим кунида тушган ҳолатимни йиллар ўтганидан кейин унутсам керак деб ўйлагандим. Йўқ, кўнгил деганлари бир марта дарз кетдими уни сира ҳам жойига келтириб бўлмас экан.

**- Тўй куни бўлган воқеа хотинингизнинг айби эдими ёки ...**

- Сизга очиғини айтаман. Майли, хотиним ҳам ўқисин. Энди ҳеч нарса ўзгармайди. Армон фақат китобдаги қаҳрамонлардагина эмас, атрофингдаги одамларда ҳам бўлишини одамлар билиб қўйса бунинг нимаси ёмон. Балки мендек дарди ичида яшаб юрганлар кўпдир...

**- Агар хотинингиз сизнинг гапларингизни газетамизда ўқиб хафа бўлмаса, айтганингиз маъқул, - дедим.**

- Топиш-тутиши ўртача, лекин, жуда ҳалол одамларнинг фарзандиман. Ота-онамиз вафот этиб кетишган. Институтда ўқиб юрганимда топган-тутганларини бериб ўқитишди. Шунинг учун онам бир куни келин қилиш орзусида эканлигини айтганида, унинг кўнглини ранжитишни истамасдан танлаган қизига уйланишимни билдирдим. Буни кутмаган онам жуда қувониб кетиб, қиз ахтара бошлади. Чунки, мен сал ўжарроқ эдим. Отаонам мени бошқа вилоятдан бирорта қизни танлашимдан қўрқишаётганини опам бир-икки марта менга айтганди. Тўғрисини айтсам, ёшлигимда ҳам кўзга яқин йигит бўлмаганман. Мен ўзимнинг анча каттагина бурнимдан пинҳона уялиб юрардим. Гулсанам исмли бир қизни ёқтирардим. Аммо, у ҳанузгача унга ошиқ бўлганимни билмаса керак. Жуда ҳам чиройли эди. Алам қиладигани, мени ёқтиришини онам Ҳакимага совчиликка бориб, оқ ўраб келганидан кейин тасодифан билиб қолдим...

Онамнинг топган қизи билан учрашдим. У Гулсанамдан ҳам чиройли экан. Маъқул бўлди. Бироқ ўқишга хурсанд бўлиб келганимда, дўстларим мени кўтариб табриклашаётганида Гулсанам ўқдек отилиб аудиториядан чиқиб кетди. Орадан бир ҳафта ўтгачгина унинг сирдоши Гулсанамнинг севгиси ҳақида менга айтди. Шу куни тўйиб ичдим. Роса йиғладим. Лекин кекса ота-онамнинг раъйини қайтара олмасдим. Тўйим ҳам бўлди. Ҳакимани севиб қолган эдим. Акаларим, ота-онам роса ҳаракат қилишиб тўйимни шу қадар дабдабали қилиб ўтказишдики, ҳамма ҳайрон қолди. Тўйга Гулсанам ҳам келди. У ҳамма қатори ўйнади, кулди. Менга эса барибир эди. Ёнимда оқ либосга бурканган париваш ўтирарди. Мен унга мафтун эдим. Умримни шундай қиз билан ўтказишимдан бахтиёр эдим. Аммо... Анча эрта қувонибман.

Тўй ҳам тугади. Биз гўшангага кирдик. Иккимиз ҳоли қолиб тўйибтўйиб суҳбатлашдик. Сўнг...

Мен унинг васлидан ҳаяжонланиб, бағримга олиб бўсаларга қўмарканман, кутилмаганда унинг баданидаги осилиб турган сўгалга кўзим тушиб қолди... Бирданига ток ургандек ундан қўлларимни тортиб олганимни билмай қолибман. Шу куни қалбимга тушган дарз қайтиб битмади. Ота-онам, маҳалла-кўй олдидаги гап-сўзларни ўйлаб ўзимни босдим. Яна ойлар, йиллар ўтаверди. Фарзандларим туғилди. Аммо, қалбимдаги оташ, ҳаётга бўлган қизиқишим сўниб бўлганди.

Энди ҳаммаси тамом. Хотиниммнинг баданига қўлим тегса ўша осилиб турган сўгали кўз олдимга келиб, ижирғана бошлайман.

(Давоми 15-бетда)

# ХУЛҚИНГИЗ КЎРКАМ БЎЛСИН!

Акс-садо

Тил дил калитидир, дилинг қандай бўлса, тилинг ҳам шундайдир. Муҳайёнинг онаси ҳам шундай зотлардан экан. У умид қилишни билмайди, бировларга яхшилик тилашни, инсонларга ишонишни ҳам билмайди. У қанча бойликка эга бўлса ҳам инсонларга нисбатан ҳурмат, ишонч деган нарса бутунлай дилида йўқ. Ўзи танимаган, билмаган шофёрга ва ўз фарзандига ўлим тилайди. Ҳайдовчи йигит покизалиги, инсонийлиги билан унинг сумкасини олиб келиб берганида уни текшира бошлабди. Ҳайдовчига раҳматлар айтса бўлмайдими? Кечирим сўрамайдими? Унга ўлим тилаб, қарғаганидан кўра! Ким бегуноҳ бир одамга ёмонлик тиласа, ўз бошига ёмонлик келади. Эски шаҳарда Салима хола деган бир қўшнимиз бўларди, унинг эри касалликдан вафот этгач, иккита қизи ва иккита ўғли билан бева қолиб, ғишт заводига ишчи бўлиб ишга кирганди (болалари икки отадан).

Дам олиш кунлари ўзига ўхшаган бева хотинлар билан уйда йиғилишиб арақхўрлик қилишарди. Энг ёмон ва хунук сўзлар билан эркакча сўкинишиб болаларни қарғашарди. Бундай аёлларда имон ҳам, ҳаё ҳам бўлмайди. Қизларини турмушга берганди. Лекин икки ўғил онанинг жабрини кўриб ўсишди. Ўн яшар катта ўғли Ботирни қишнинг изғиган совуқларида уйидан ҳайдарди. Бечора Ботир қўшниларнинг эшигига бориб тақиллатар, очса кирар, очишмаса эшик олдида кечани ўтказиб, эртаси онаси ишга кетганда уйига кириб ухларди. Кичкина ўғли Қодир эса онаси дўстлари билан ичиб маишат қилишганда, темир каравотнинг тагига кириб йиғлаб-йиғлаб ухлаб қоларди. Йиллар ўтди.

Болалар улғайди. Она ҳам кексайиб ичкиликни ташлаган бўлса-да, болаларни қарғашни эсдан чиқармасди. "Ўғилгинам қонинг келсин",- деб қарғарди у доим. Бу қарғишлар эса болаларига урмади. Катта ўғли Ботир бир рус хотинга уйланиб, уйидан бутунлай чиқиб кетди. Кичик ўғли Қодир ҳам уйланди. Лекин Салима хола ўғлини хотинининг олдида ҳам қарғайверарди. Орадан вақт ўтиб Салима хола бир куни йиқилиб оёғини синдирди. Кесиб ташлашганда қон тўхтамади ва у вафот этди. Қодир эса қанча қарғиш эшитган бўлса ҳам онасини кўмди ва маъракаларини қилди. Катта ўғил ҳатто онасини эслаб келмади ҳам. Азизлар! Ахир яхши гапга, бу ўткинчи дунёда сизу бизликка не етсин! Инсондан яхшилик, меҳр оқибат қолади-ку, шундай эмасми? Ҳар бир инсон, ўз фарзандими, бегонами қарғамаслиги керак.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,**
**Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани**

*"Оғзингизга қараб гапиринг" -42-сон*

**ЭСЛАТМА: Автобусда сумкачасини қолдирган аёл овози борича ҳайдовчини қарғарди. Гўё бу ишда у сабабчидек. Ногаҳон ҳайдовчи тилла тақинчоқлар тўла сумкачанинг эгасини қидириб келиб қолди. Аммо аёл қарғашдан тўхтамади. Кўз олдимизда қарғиши ўзига уриб уни машина туртиб юборди.**

**Муаллиф: БАСИРА.**



# ҚАРИНДОШЛИК РИШТАЛАРИ БОҒЛАНДИ

Бундан 12 йил олдин мен яхши биладиган бир аёл ҳақида турли миш-мишлар тарқалди... У аёл тўнғич фарзандини жарроҳлик йўли билан туғади. Сўнг унга боласи ўлганлигини айтишади. Аёл касалхонадан уйига қайтгач, эри унга ғалати хабарни билдиради.

Менга хотинингиз ўғил туғди дейишганди, сўнг бола ўлди деб, мурдани олиб чиқишди. Уйга келдик. Очиб қарасак киндиги тушган, туғилганига 3-4 кун бўлган қиз боланинг ўлиги. Чақалоқни қабрга қўйганимдан сўнг онам: "Болам бу бизни боламиз эмас, менга набирамни кўрсатишганди, у оппоқ юзли, сочлари қоп-қора чақалоқ эди",- дея юрагимга ғулғула солди. Энди ҳалиги аёлни ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг.

Тақдир тақозоси билан бошқа фарзанд туға олмаслигини врачлар айтишган, уйига келиб эса бу гапни эшитиб, нима қилишга ҳайрон. Ўша туғруқхонада ишлайдиган аёлга тилла сирға, узукларини берди, ҳақиқатни айтишини илиниб-ёлвориб сўрайди. Аммо у рози бўлмайди. Орадан 2 йил ўтади. Х. эса ўша ўғилчасини тушларида кўриб чиқарди. Яна ўша туғруқхонадаги таниш аёлга учрайди. У катта пул эвазига қўшни туманда яшовчи, бефарзанд аёлнинг манзилини беради. Ўзи эса бу вақтда нафақага чиқиб кетади. Х. кўрсатилган манзил бўйича бориб эшикдан кириб не кўз билан кўрсинки ҳовлида 2-2,5 ёшлар атрофида куйиб-куйиб кетгандек эрига ўхшайдиган ўғил бола ўйнаб юрган бўлади… Ҳақ жойида қарор топади. Бу воқеа туман судида ёпиқ суд ҳолида кўриб чиқилди, номи элга таниш журналистлар аралашуви билан бола ўз ота-онаси бағрига қайтарилди. Аммо бола бу ота-онага кўниколмади. Касал бўлиб қолди. Х. эри билан маслаҳатлашиб жигарбандини боқиб тарбиялаган аёлга қайтаришди. Аёлнинг туғишган укаси бу воқеаларнинг шоҳиди эмасми, ҳомиладор аёлига бор гапни тушунтирди. Оллоҳ берган ўғилчасини Х.га туғруқхонадан келтириб беришди. Икки оила ўртасида абадий қариндошлик ришталари боғланди. Ҳеч ким фарзандидан жудо бўлмасин, фарзанд доғида йиғламасин, болам демасин. Юқоридаги каби жиноятлар эса ҳеч қачон такрорланмасин. Ҳар бир фарзанд ўз уйида, ўз ота-онаси бағрида яйраб-яшнаб вояга етсин.

**Машҳура ИСОҚОВА**

*"Фарзанд доғини ҳеч ким кўрмасин" 16-сон*

**ЭСЛАТМА: Учинчи қизимиз дунёга келди-ю, лекин ўша куни кечга бориб, унинг аҳволи оғирлашди. Тушда жони узилибди. Энди мен шу биргина синов ва айриликқа сабр қилишим керак.**

**Муаллиф: Нилуфар ОТАБОЕВА**

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МУҚАДДАСДИР

*"Бир хато бўсадан туғилган бола" - 45-сон, 2004 йил*

**ЭСЛАТМА: Бир куни ярим кечада қизимнинг кўрпа ичида йиғлаётганидан уйғониб кетдим. Кейин билсам у Рустамжон деган йигитдан ҳомиладор экан. Афсуски қизим фарзандини бағрига босиб катта қила олмади. Мени ва ўғлини ташлаб бу дунёни тарк этди.**

**Муаллиф: Р. ҲИММАТҚУЛОВА**

Сирдарёлик Мавлудахоннинг дил сўзларини Мастура холага етказганимда, хола севинчдан йиғлаб, раҳматлар айтди. Билмадим, аввало Оллоҳ, қолаверса сиз азиз журналист дўстларимнинг саволи саъйи-ҳаракатлариданми, яқинда Равшанхонни "меҳрибонлик уйи"дан бир фарзандсиз оила ўғил қилиб олибди. Мастура холани ҳам олиб кетмоқчи бўлибди, лекин хола қаддрдон уйини ташлаб кетгиси келмабди. Шунда улар холага ёрдам бериб, ёлғизлатмасликка ваъда беришибди.

Ҳурматли таҳририят, аввало сизларга раҳмат. Қолаверса, Мавлудахон сингари меҳр-муҳаббатли, жасоратли аёллар пойига бош эгса арзийди. Мен эса қалбимни қийнаган муаммолардан бирининг ечими топилганидан беҳад хурсандман.

Бугунги мақолам, яна тарбия ва тарбия ҳақидадир. Жамиятимиз, ҳаётимиз бошига қурт бўлиб тушган ичкилик, гиёҳвандлик каби иллатлар, бизнинг, айниқса, ўзбек халқининг қадриятлари топталаётганлиги, оғир бир дарддир. Бу менинг ёш оналарга даъватим бўлиб, айтилган дил сўзларимнинг бирор қатрасини қалбига жо қилиб, фарзанд тарбиясининг муқаддаслигини англаса, оқибатини тушуниб етса, ўзимни бахтли деб ҳисоблардим. Чунки биз ота-оналарнинг бугунимиз ҳам, эртамиз ҳам, борлигимиз ҳам, ҳору-зорлигимиз ҳам фақат фарзанд тарбиясидандир.

**РАЪНО**



# ТЕНГДОШ ЭКАНМИЗ

*"Икки йўл орасидаман" 29-сон*

**ЭСЛАТМА: Дадам ўқишга кирган қизлар ҳақида нотўғри фикрда. Менга эса бу ёқмайди. Ўқишга кирган қайсидир қизнинг «гуноҳи» учун нега энди ҳамма бирваракайига айбдор бўлиши керак. Шу баҳона билан мени ўқишга ҳам қўйишмади. Фикри-ўйлари—турмушга бериш.**

**Муаллиф: НОДИРА.**

Азизим Нодира! Сиз билан тенгдош эканмиз. Тўғриси ҳаётингизни ўқиб ачиндим. Бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Отангиздан нафратланиб кетдим, лекин бир нарсани айтиб қўяй, қиз бола ғурури билан гўзал. Ўқимаган, оддий қизга ким ҳам қарарди дебсиз. Аксинча, аксари йигитлар оддий қизларни ёқтиришади. Камбағаллик айб эмас. Муҳими, номусингизни, ғурурингизни ўйланг. Сизга бундан бошқа сўз дея олмайман.

Ота-онангизга айтар сўзим: "Азиз ота-оналар, хафа бўлмангизлар-у, қизларингиз кўчада қолганмиди. Ҳали бор-йўғи 21 га қадам қўйибди-ю, фалончига айтсакмикан дейишингиз айб эмасми! Дунёда бахтнинг, эзгуликнинг кечи бўлмайди дейишади. Хўп, сизлар айтгандай ўзи йигит топиб турмушга чиқиб кетди дейлик. Ўша йигит қизингизни бахтли қила оладими? Унинг гулдай орзуларини авайлаб асрай оладими? Ўқишга кетиб қолса-чи, (уйдаги таъна-дашномлардан безиб) сизлар қўллаб-қувватламасангизлар. Ким унга ёрдам беради. Муҳтожликдан ёмон йўлга кириб кетса-чи! Унда нима қиласизлар? Кишиларнинг қизларига ўхшаб кийим олиб беринглар, ўқишга фалон пул билан киргизинглар, деб жанжал қилмаётган бўлса! Ундан кўра қизларингизнинг қалбига қулоқ солсаларингиз яхши бўларди.



**Ойсоат АВАЗОВА,**
**ТерМДУ 4-босқич талабаси**

# ҚИЗИНГИЗНИНГ ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ СОЛИНГ

*"Муҳаббат чегара билмас" 36-сон*

**ЭСЛАТМА: Қизим туғма ногирон бўлиб дунёга келди. Унинг танасида оқ доғлари бор. Шу боис дили ўксик эди. Лекин уни ўзидан уч ёш кичик соғлом йигит яхши кўриб қолди. Мен қизимнинг келажакдаги тақдирини ўйлаб ташвишдаман.**

**Муаллиф: Т. НОРИМОВ**

Бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, ҳозирги шароитда иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Қизингизни яна бир бор даволатиб кўринг, эскичидан ҳам бўлиши мумкин. Зора, фойдаси бўлса. Агар икковлари бир-бирларини чин юракдан севишса, улар билан очиқ-ойдин гаплашиб олинг ва йигитнинг ота-онаси ҳам бир қарорга келгани маъқул. Иложи борича қизингизнинг қалбига қулоқ солинг, у айбдор эмас-ку ахир. Ўзингиз ҳам қаршиликлар билан турмуш қурганингизни унутманг. Ўйлайманки, бу муаммо ижобий ҳал бўлади. Қизингизни холасиникига юборганингизнинг фойдаси йўқ, менимча. Аксинча, баттар қийналиши мумкин. Балки ҳаммаси яхши бўлиб қолар, бироз шошилманг, буни вақт кўрсатади. Худо хоҳласа, Оллоҳ дардига шифо беради, деб умид билан яшашдан ўзга чора йўқ.

**Дилафрўзхон УСМОНОВА,**
**Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Фозил Йўлдош ж/х.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



Ҳурматли Афисахон АҲМЕДОВА!

Сизни 70 ёшингиз билан табриклаймиз.

Турмуш ўртоғингиз Муса Аҳмедов, фарзандларингиз Сайфулла, Давронбек, Адиба, Лобара, Гулчеҳра.

Тошкент шаҳри.

Ҳурматли дадажонимиз БЎРОН ака!

Сизни туғилган кунингиз ҳамда онамиз Ҳафиза ая иккингизнинг кумуш тўйингиз билан табриклаймиз. Сизларга соғлик-саломатлик, ишларингизда ривож тилайман. Ўйлаган орзуларингизга етишинг.

Қизингиз Дилчирой Тошева,
Бухоро вилояти.

Ҳурматли МУЯССАРХОН, МУНАВВАРХОН ва САЛОМАТХОН!

Сизларни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақият, оилангизда эса ўғил-қизларингизни роҳатини кўринг.

Ҳамкасбларингиз.

Ҳурматли Зоҳиджон ЖЎРАЕВ!

Мен сизни 25 баҳорингиз билан муборакбод этаман. Сизга сиҳат-саломатлик, омад, оилавий бахт, милиция соҳасида мартабангиз улуғ бўлишини тилайман.

Юлдузхон Расулова.

Қадрли синглимиз Эъзоза РАСУЛОВА!

Биз сени 19 баҳоринг билан чин қалбдан табриклаймиз. Сенга соғлиқ, бойлик, узоқ умр, ўз касбингнинг устаси бўлишингни тилаймиз.

Опаларинг Юлдузхон,
Нигора ва Зулайхо

# УМРДАН РОЗИЛИК



**Кутлов**

Шарифжон ака бир даста газета-журналлар кўтариб таҳририятимизга келди. Очиқ чеҳрали, юзларидан нур ёғилиб турган бу инсон билан суҳбатлашарканман, унга меҳрим тушди.

Шарифжон аканинг умр дафтари ниҳоятда мазмунли эди. Кимёгар, таъмирчи, моҳир мутахассис Шариф Илҳомов узоқ йиллар ЎзФА Археология институтида меҳнат қилди, касбини ардоқлади. Айни кунларда бадиий Академия тасаррufидаги санъатшунослик институтида талабаларга ноёб соҳа сирларини ўргатиб келмоқда. Шариф аканинг оиласи ҳам ҳавас қилгудек. У рафиқаси Жамилахон ая билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди, элга қўшишди.

- Инсон аввало оиласида бахтли бўлиши керак. Шундагина унинг қалбида ўзгаларга яхшилик, эзгулик қилиш истаги кучаяди. Мен умримдан розиман. Ҳалол ва пок яшадим. Фарзандларга ҳам шуни сингдирдим, - дейди Шариф ота.

У кишини қутлуғ 70 ёшлари билан муборакбод этамиз. Шундай ўтган умрдан рози бўлиб яшаш ҳам тотлидир.

**ГУЛБАШАКАР**

## «Оила ва жамият» ўгитномаси

*Амалинг зўр бўлса, таниш кўпаяр,*
*Рақобат кўп жойда синиш кўпаяр.*
*Тўрт қатор нарсангни ёза олсанг бас,*
*Демакки, яна ҳам хониш кўпаяр.*

* * *

*Ўз ишин устаси пазанда бўлар,*
*Чўмичга чиққани қозонда бўлар.*
*Пазандалик ишин эплай олмаган,*
*Қарабсизки, бир кун хонанда бўлар.*

* * *

*Интизор кутганлар йўлга қарармиш,*
*Санъаткор саҳнада гулга қарармиш.*
*Тўйларда буларнинг акси бўлармиш,*
*Отарчилар фақат пулга қарармиш.*

*Иш учун кун бўйи елганинг яхши,*
*Лекин шу нарсани билганинг яхши.*
*Онангни сўктириб, раҳбар бўлгунча,*
*Ундан аравакаш бўлганинг яхши.*

* * *

*Сохта кўзгу йўлда ялтираб турар,*
*Хира юлдуз кўкда милтираб турар.*
*Баъзи бир ҳовлиқма, ношуд ходимлар,*
*Бошлиғи олдида қалтираб турар.*

* * *

*Оғир савдо бир кун бошдан кетади,*
*Талтайган бошлиқ ҳам ишдан кетади.*
*Елиб-югурганлар кўринмас энди,*
*Хотини дод солиб, ҳушдан кетади.*

**ПАРДА шоир.**

**Об-ҳаво маълумоти**

Ўзбекистонда вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Шамолнинг тезлиги кучаяди. Ҳарорат кечаси **0-5° совуқ, кундузи эса 1-6° илиқ** бўлади. Шимолий ҳудудларда кечаси **7-12° совуқ** билан **3° илиқ** бўлиши кутилмоқда.

# ЭЪЛОНЛАР!




Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.**

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС FОЗИЕВИЧ**

**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

**Буйрак, ковук, простата бези** касалликларини ДАВОЛАЙДИ.

**Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангтоҳ маҳалла) Мўлжал: Метронинг Ғ. Ғулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача. Ганга дўконидан Себзор бекати томон Зулфия кўчаси томон қараб 200 метр юрилади.**

**"Дилором" ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**2 ойлик** - Компьютер билимлари (Windows - ME-200, MS Office; INTERNET-E mail); - "1С" бухгалтерия;- Компьютерларни таъмирлаш ва модернизациялаш; -Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида); - Бисер тикиш (мунчоқлар билан гул тикиш); - Сартарош-стилист (компьютерда прическа танлаш); **3 ойлик** - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бикиш, конструкциялаш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар); - Уй ҳамшираси; ·Массаж.

**Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.**
**Манзил: А.Қодирий кўчаси, 13-уй, 3-қават, 2-хона.**
**Мўлжал: метронинг "Алишер Навоий" бекати, стоматология поликлиникаси ёнида. Телефонлар: 144-03-25, 144-92-39**



**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**

1.Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Якка тартибда, кафолатли. Бисер-2 ойлик. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пишириқлар- 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Рус тили - 3 ой. Уйғур таомлари - 2 ой.

**Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.**

**Манзилимиз : Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95.**

***Уй жиҳоз-буюмларини сотиб оламан. ТЕЛ: 74-68-77***


# ОҚБУЛУТНИНГ ҲИКМАТИ

**Туш таъбирномаси**

Талабалик йилларим кўрган тушим ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни тобим қочиб ётиб қолдим. Иссиғим баланд, кўзимни очолмайман. ТошДУда ўқийман. Айни имтиҳонлар бошланган давр. Курс ишларини ёзиб деканатга топширган бўлсам-да, сессиядан қолиб кетмай деб, ваҳимадаман. Тушимда қанотли, оппоқ отга миниб, баланд бинолар устидан учиб ўтаяпман. Осмондаги оппоқ булутларга бошим тегиб-тегиб учаяпман. Йўлда кўзойнак таққан одамлар менга қўл силкиб қолишаётганмиш. Шу пайт талабалар ўртасида қаттиққўллиги билан "номи кетган" домламиз Жолдасов қўлимга бир папка қоғоз қистирибди-да: "Фахриддинова, тезроқ қайтгин",-дебди... Уйғониб кетдим.

Тушимнинг таъбирини нимага йўйишни билмай лол эдим. Кўпчилик курсдошларимиз Жолдасовнинг фанидан бўлган имтиҳондан лаб-лунжлари осилиб чиқишибди. Мени ҳам ваҳима босди. 2-3 кундан сўнг секин оёққа туриб, факультетга бордим. Жолдасов мени кўриб: "Фахриддинова, деканатга кир",-деди. Ҳамма фанлардан баҳоларим яхши бўлса-да, "Имтиҳонга келмаганимга роса гап эшитсам керак",-деб домланинг орқасидан эргашдим. Домла соғлиғимни сўрагач, қўлимга бир папка тутди-да: "Бир ҳафтадан кейин Ленинградга жўнайсан. Сенинг курс ишинг юқори баҳо олди. Биз уни рус тилига таржима қилдирдик. У ерда (собиқ) иттифоқдош республикалардан келган талабалар ўртасида маъруза қиласан",-деди. Касалим ҳам тарқаб кетгандай бўлди.

Сессияни эса "аъло" баҳоларда якунлаб, Ленинградга учдим. У ерда ҳам курс ишим яхши баҳоланди. Кўпгина иқтидорли талабалар, ёш олимлар билан танишдим...

Тушимдаги оқ от—самолёт бўлса, оқ булут илму-ҳикмат, осмондаги булутларга бошим етгани—илм аҳли билан кечган суҳбатларимизга ишора экан...

Қанийди ҳамиша шундай туш кўрсак!

**САНОБАР.**

«Оила ва жамият» газетаси жамоаси мухбир Лола Аҳмедовага опаси
**Моҳира АҲМЕДОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Сиз учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Ажойиб ҳамкорлар билан иш бошлайсиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Эшитган хабарларингизга кўп ишонманг. Улар кайфиятингизни бузиши мумкин.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Яқинларингиз билан бироз муаммо чиқиши эҳтимоли бор. Сиз сал босиқроқ бўлишингиз керак.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Шу ҳафта вақтингизни кўнгилли дам олишга бағишланг. Яхшиси таътилга чиқинг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).**- Уйдаги муаммоларни тинчлик билан ҳал этинг. Қизишмаганингиз маъқул, чунки ҳаммаси изга тушиб кетади.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ҳасад ва бахиллик қилишдан сақланинг. Ютуққа эришган дўстларингизни чин дилингиздан муборакбод этинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Хатолар қилмаслик учун ҳамиша ўзингизни хотиржам тутинг. Шунда ҳаммаси жойида бўлади.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).**- Келажак учун сира иккиланмасдан режа тузаверинг. Уларнинг амалга ошиши кўпроқ ўзингизга боғлиқ.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Сизга шу ҳафтада ҳавас қилиш мумкин. Ҳафта давомида омадингиз келади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Раҳбариятингиз топширган вазифани пайсалга солмай, зудлик билан адо этинг. Акс ҳолда кўнгилсизлик чиқиши мумкин.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).**- Одамлар, айниқса ҳамкасбларингиз билан очиқ ва самимий муносабатда бўлишингиз зарур.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Ажойиб дамлар сизни кутмоқда. Оилангиз учун ўз меҳнатингизни аяманг. Сизни тақдирлашади.

# УШБУ СКАНВОРД «ХАЗИНА» ГАЗЕТАСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН

*Бирингиз қизимсиз, бирингиз синглим,*
*Кўзларимнинг оқу-қароси, қизлар.*
*Сизларсиз дунёнинг қизиги йўқдир,*
*Ҳар йигит умрининг маъноси, қизлар.*

*Йиғилсангиз мисли баҳористонсиз,*
*Гул ичида пинҳон сеҳрли жонсиз.*
*Бирингиз бир юлдуз, бири осмонсиз,*
*Кўрган кўзнинг дарду балоси, қизлар.*

**Ибройим ЮСУПОВ.**

«Коса»ли ҳайвон · Ари найзаси · Полизбоп ўйин · Газмол · Қўрғон, Америка · Дурадгор асбоби

Хазина · Сақлаш жойи · Савод, илм · Шхуна капитани · Аҳоли пункти · 3,14 · Вақтинча фойдаланиш

Гавда қисми · Орфография · Бадан, вужуд

Манзарали дарахт · Фотоплёнка, расм · Нон хили

Ичра · Урф, таомил · Шаҳар, Чекка Шимол · Газета, Ўзбек-н · Кўтариш, мослама

Танбеҳ, дашном · Сита ёри · Шоҳид · Қулоғи оғир · Нота

Машхур шаршара · Полициячи лақаби, АҚШ · Очиқ, равшан · Либос қисми · Қадам · Кайфсафо · Жавон тортмаси · Ўрнак, намуна

Швед мусиқий гуруҳи · Ост, туб · Япон кураши · Шаҳар, БАА · Гунох · Дунё томони

Шашка хили · Суюкли инсон · Самолёт русуми · Япон театри · Марҳум «пахтакор»чи · Сурат

Денгиз, Европа · «Хўжа», Иззат · Ин · Министр (ўзб.) · Қадим Волга

Мотор детали · Охиста, секин · От (тожик.) · Танк русуми · Кирилл ҳарфи · Фалаж

Ишрат · Мўғул чўпон · Шоколад, Россия · Сира

Ўқув даргоҳи · 100 йил · Учуқ, ҳуснбузар

Боғловчи · Пайғамбар · Тараф, ёқ · Ўчган чўғ

Ном, от · Дарахтзор · Дарё, Италия · Леннон хотини

Меҳнат · Хон саройи · Чорпоя · Шарқона Византия · Олмон физиги · Тил, Покистон

*Хоним дейму ё эркам, жоним,*
*Бегим дейму ё дейму бону.*
*Аёл отлик буюк жаҳоним,*
*Сен мен учун абадий ёғду.*

*Ойим дейму ёҳуд қуёшим,*
*Барча сифат ожиз қаршингда.*
*Сенинг билан кўкдадир бошим,*
*Сен порлайсан кўнгил аршимда.*

*Бешик эмас дунё тебратган,*
*Қўлларингни ўпсак бўлур оз.*
*Оёқларинг остида эркан,*
*Жаннат деган энг олий ЭЪЗОЗ.*

***Жуманиёз ЖАББОРОВ***

Халқ, Янги Зеландия · ...-хаво · Юклама · Микки ... · Зичлик ҳарфи

Форс мумтоз шоири · Нон, сомса «қозони» · Шох-... · Авлод, хеш, насл · Капур

Узоқ, йироқ · Рус автоси · Мазҳаб, Ислом · Хориж шоколади · Шаҳноза... (қўшиқчи) · Матч қисми · Эргаш (адиб)

Дарё, Африка · Орли, Шереметьево · ...мус, ки... · Енгил ҳазил · Махсус йўл · Расм орти · Туркман футбол клуби · Ҳид, уфор

Антик ерости илоҳи · Литва пули · Рақс, юриш · Ҳамза (артист) · Тоқли зарра

Брюс, Жет · Зичлик ҳарфи · Куш «жуни» · Ўқитувчи · Самолёт · Арабча ҳарф

Шаҳар ҳокими · Бўй-баст · Афсонавий илон · Зулқарнайн · Хетт илоҳаси · Охир, тамом · Хасса тури

Ғазна · Шаҳар, Франция · Қадарли · Ғалла · Леонардо ... Винчи

Ашё, унсур · Сура, оят · Самолёт русуми · Рус автомати · Инглизча ўлчов · Хасталик

Журнал, Англия · Лашкарбоши · Ин · Вертолёт · Маугли дўсти · Хитойча сурнай

Давлат, Африка · Нота

Симли чолғу · Тожикча «икки» · Миллат, Осиё · Кир

*Томиримни тирнар кўҳна саволлар,*
*Юрагимда гуллар ширин хаёллар,*
*Эй сиз ўзбекойим, офтоб жамоллар,*
*Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,*
*Сиз атир нафасли, сиз райҳон сасли,*
*Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,*
*Мен офтобга алишмаган аёллар.*

***Маҳмуд ТОИРОВ***



## БОРЛИҚ СЕВГИ - СЎЗ ЁҒМОҚДА, СЎЗ!

*Нур сочар йўлакчироқ,*
*Ялтирар қор учқуни,*
*Бир сўз дема - қуч мени,*
*Юракка ёғди титроқ.*

*Боғлар оппоқ. Қорли кеч,*
*Арчалар кумуш тўни,*
*Ҳайратга солди тунни,*
*Бир сўз дема - жоним куч!*

*Ана қорлар рақсида,*
*Фалак сени излади...*
*Қордай тоза сўзлари —*
*Осмон айтар қасида...*

• • •

*Қор. Кеча. Кўча. Аллаким*
*Кетаяпти қўлида гул...*
*Васл сари шошар балким —*
*О, шодлиги аён буткул!..*

*Йўл муз эди — йиқилди у.*
*Гул сочилди қорда шу дам —*
*Бироқ, мендан бахтли эди,*
*Қор устида ётган одам...*



• • •

*Қорга ёздим. Исиндим —*
*Ўт ўрлади Исмингдан.*
*Олис чоғлар музлаган*
*Баҳор ёнди кўксимда...*

*Заррин-заррин фалакни*
*Шамол ўйнаб учирар...*
*Зарра-зарра қорларга*
*Фалак Исминг кўчирар...*

*Боқдим — кўкка айландинг...*
*Кўзларим тортди хира.*
*Қор бўлиб ёғдинг... Бошда*
*Оқаради Хотира...*

• • •

*Қиш — кўнгилни айлайди сархуш,*
*Тасаввурда бир сурат қолган,*
*Бу бир хаёл, мен топиб олган,*
*Ва, севгига айтилган олқиш:*

*...Қорли кеча... хира нур сочар,*
*Симёғочнинг қалпоқ чироғи.*
*Сузиларкан кўзинг қароғи,*
*Қучдинг, кўнгил қор бўлиб учар.*

*Қўлларингни ўпдим. Совуқ — муз,*
*Лабларингда қор учқунлари.*
*Қишнинг сокин кечқурунлари,*
*Борлиқ — Севги. Сўз ёғмоқда, Сўз!*
*Юзинг лола, шарифинг япроқ,*
*Пальтонг яшил, белинг —гул банди.*
*Кўксоябон бошингда — титроқ,*
*Сени қордан қўриб ўртанди.*

*Зангор... Зангор — бирам ярашиқ*
*Аёз чимчир этикларингни.*
*Мен ҳижжалаб ўқийман ошиқ —*
*Қорнинг ажиб битикларини.*

*Мунча яшноқ... қандай чўзилар,*
*Юрак ютиб сенга қайси қўл?*
*Қаҳратонда танҳо мўъжиза —*
*Сен ким учун очилгансан, гул?!*

• • •

*Дўрмон. Ёзувчилар боғи,*
*Чирсиллайди қор учқуни.*
*Бекатга узоқ... Тонг чоғи,*
*Қиш мендан олар ўчини.*

*Баҳордаги бир қадам йўл...*
*Осмонга етди... чўзилар.*
*Сенинг ёдинг — юракда зил —*
*Бир оғриқ кўнглимни эзар.*

*Бошда қор... умр оққанда*
*Оппоқ қайғу чўккан бағир...*
*Сен ҳақингда қор ёққанда*
*Ўйлашим жуда ҳам оғир.*

### ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

*Шу ҳам шеър бўптими тўғри,*
*(Саккиз бўғин бир мисра...)*
*Не қилай кўк хотир тиғин*
*Қор қилиб бошимга урса?!*

• • •

**Аҳмаджон акага**

*Ишхона. Учинчи қават.*
*Кўча қор. Ернинг қандили —*
*Дарахтлар товланар — зумрад*
*Шуълалар чулғар қалбимни...*

*...Эсиндами, қор ёғарди —*
*Қиш... талабалик йилларим...*
*Қор қўйнида кун оғарди,*
*Музлаб қоларди қўлларинг...*

*Лабларингда ёнарди сўз,*
*Шундай гўзал бўларди қиш...*
*...Бугун... қордан узмайман кўз,*
*Учинчи қават. Уф! Иш... Иш!..*

• • •

*Себарғалаб ёғади қор,*
*Кўзларинг кулар беғубор...*
*Кулгичингни ёниқ этган*
*Қордан ҳам оқ айт нима бор?!*

*Соғинчингдан ичкиналдим,*
*Қор ёғмоқда... Қучгин мани...*
*Лабларингда куйиб кетди*
*Қорнинг қўнган учқунлари.*

*Дунё оппоқ... Кўзим тинар,*
*Кўнглинг ойдин. Йўқ кин, гина*
*Қирққа борар умрим, лекин*
*Яшаяпман бир кунгина.*

**Кўчқор НОРҚОБИЛ.**



### ДУНЁ

*Сенинг елиб-югурганларинг*
*Беҳудага ўхшайди, Дунё.*
*Биз Ҳаёт деб талпинган Гўзал*
*Уйқудага ўхшайди, Дунё.*

*Уйқудаги ўша гўзални*
*Дутор чалиб уйғотамизми?*
*Ё берилган беш кунлик умр*
*Тугагунча жим ётамизми?*

*Агар ухламаса, у гўзал,*
*Бўлмасмиди ерда разолат.*
*Дунёнинг бор чақалоқлари*
*Ўйнаб ўсармиди саломат?*

*Нима бўпти ўн беш қатор шеър,*
*У дунёга тиргак бўларму?*
*Мен ўйлайман: битта юракни*
*Уйғотмоққа керак бўларму?*

*Дунё, уйқудаги гўзални*
*Дутор чалиб уйғотамизми?*
*Ё берилган беш кунлик умр*
*Тугагунча жим ётамизми?*

### БОЛАЛИК

*Гулхайрининг гулбаргларини*
*Ёпиштириб бармоғимизга,*
*Кулчамизни — лойдан ясаган —*
*Совға қилиб ўртоғимизга.*

*Ажириқдан ковушча тўқиб,*
*Ажинадан "совға" кутардик.*
*"Тилло ковуш" ташлаб кетар, деб*
*Ҳар кун қилиб ғавғо кутардик.*

*Қандай тоза дунё экан у,*
*Болалик бой мўъжизаларга.*
*Ишонардик пок кўнгил билан*
*Одам тугул, ажиналарга.*

• • •

*Ишонаман, бир куни бехос*
*Учиб кетар осмонга руҳим.*
*Бир кун қаттиқ ухлаб қоларман,*
*Мангуликка чўзилар уйқум.*

*Ўшанда ҳам сизни соғиниб,*
*Осиламан илдизларига:*
*Ялинаман олиб боринг деб,*
*Тепаликнинг ялпизларига.*



### ҚИШ ЭРТАГИ

*Эҳ, бу қишлар ўтиб кетади,*
*Гул битади ўрик шохига.*
*Илашади япроқ-юраклар*
*Ҳув тераклинг қуруқ шохига.*
*Мурғакларим, навниҳолларим,*
*Ухлай қолинг, ҳали тун ярим.*

*Ҳали қушлар қайтиб келади,*
*Ассаломлар айтиб келади.*
*Жон киради симёғочларга,*
*Тўлиб кетар қалдирғочларга.*
*Мурғакларим, навниҳолларим,*
*Ухлай қолинг ҳали тун ярим.*

*Ҳали ўтиб кетар совуқлар,*
*Ялпиз чиқар ариқ бўйига.*
*Ялпиз сомса тугиб борамиз*
*Ялпиз сочли қизнинг тўйига.*
*Мурғакларим, навниҳолларим,*
*Ухлай қолинг, ҳали тун ярим.*

*Ҳали бу қиш ўтиб кетади,*
*Нур ёғилар ҳали бир илиқ.*
*Ҳали қирнинг этакларига*
*Чучмомалар чиқар хушқилиқ.*
*Мурғакларим, навниҳолларим,*
*Ухлай қолинг, ҳали тун ярим.*

*Ухлай қолинг, ҳозирча совуқ,*
*Музюраклар келмасин ёвуқ,*
*Данак ётар тупроқ остида,*
*Кўкси баҳор, лаблари юмуқ.*
*Мурғакларим, навниҳолларим,*
*Ухлай қолинг, ҳали қиш ярим.*

**Мақсуда ЭРГАШЕВА.**

### Қилмиш-қидирмиш

## ЧОЙНАКДАГИ ПОРА

Янги бошлиқ қўнғироқ тугмачасини босиб, котибани йўқлади.

- Эшитаман Собир Муталибович!

- Гап бундай, - дангалига кўчди бошлиқ. - Иккаламиз ишлаб кета оламизми ёки йўқми?

- Ишлаб кета олсак керак, - кафтларини жуфтлаб, синовчан назар ташлади бошлиқ. - Сиздан талаб қилинадиган нарсалар: ҳушёрлик, сезгирлик ва чаққонлик. Оғзингизни қулфи ўн олтита бўлса, ёнига яна битта қулф урасиз. Қанақа саволингиз бор?

- Ҳеч қанақа, Собир Муталибович. Ишни нимадан бошлай?

- Биринчи ишингиз шуки, менинг столимга битта бўш чойнак олиб келиб қўйинг. Ўзим "чой дамлаб келинг", деб айтмагунимча, чойнакка тегмайсиз.

- Тушундим Собир Муталибович! Сиз айтгандай бўлади.

Бошлиқнинг чеҳрасида билинар-билинмас табассум пайдо бўлди. У бошлиқнинг хонасига бўм-бўш чойнакни олиб кириб қўйгач, қачон "чой дамлаб келинг", деган топшириқни кутиб, кунларни ўтказаверди. Кунларнинг бирида бошлиқ қабулига келган кишини эшикдан кузатиб қўйгач, котибага юзланди.

- Қани, битта чой дамлаб юборсинлар-чи!

Котиба хонага кириб, чойнакни қабулхонага олиб чиқди-да, қопқоғини очиб, хом чой солмоқчи бўлганида, унинг ичидаги пулга кўзи тушиб, сергакланди. Котиба янги бошлиқнинг пора олиш усулини дарҳол тушунди. Кечки пайт у чойнакдаги порани бошлиқнинг уйига элтиб бериб, ўз уйига йўл олди.

Ана шу кундан эътиборан у бошлиққа жуда маъқул келиб қолди. Шундай қилиб, бўш чойнак котибани ҳам сийлаб турди. Котиба ҳам шундай зийрак бўлиб кетдики, бошлиқнинг қабулига келган кишиларнинг нигоҳига бир қарашдаёқ, бошлиқнинг: "Битта чой дамлаб келинг", - дейишини бехато башорат қиладиган бўлиб қолди. Бошлиқ даранглатиб уйлар солди. Ҳатто тўққизга тўлмаган ўғилчасига ҳам машина олиб қўйди. Котибанинг ясантусани ҳам анчагина ўзгарди.

Бора-бора бошлиқнинг нафси ўпқон бўлиб, у ҳақда "уйга пулни сиғдира олмай, итнинг катагига ҳам жойлаяпти", деган гаплар чиқиб қолди. Бу гап назорат идорасидагиларнинг қулоғига ҳам етиб келди. Кунларнинг бирида бошлиқ иши тушган фуқароларнинг биридан тўрт минг "кўк"идан сўрабди. Фуқаро эса бу ҳақда керакли жойга хабар қилиб қўйибди. У бошлиқнинг хонасига кириб, сохта пулни столнинг ғаладонига солиб қўйибди. Сўнг ташқарига чиқиб унинг чиқишини кутиб турганларга "пулни олди", дея ишора қилибди. Икки киши бошлиқнинг хонасига шитоб билан кириб боришиб, гувоҳномаларини унинг юзига тутишибди.

- Сиз порахўрликда айбланасиз! Ҳозир тинтув ўтказамиз.

Шундай, дея улар тинтувни бошлашибди. Аммо бошлиқ бир фурсат олдинроқ пулни қайчи билан қисиб, чойнакка солиб қўйган экан у ўзини йўқотмай, столдаги қўнғироқ тугмачасини босибди. Эшикдан мўралаган котибага шундай дебди!

- Битта чой дамлаб келинг!

Котиба чойнакни олиб чиқиб кетибди. Тинтув ўтказаётганлар порага берилган пулни топиша олмабди. Қаердан ҳам топишсин. Пора чойнакда чиқиб кетган эди-да. Бундай хийла кимнинг ҳам хаёлига келибди. Тинтув ўтказганлар бу ҳийлани кейинроқ сезиб қолишибди.

Лекин тулкининг ҳийласи кўп бўларкан. Порахўр энди котибадан хонага ахлат пақир олиб кириб қўйишни тайинлабди. Котиба мақсадни дарров сезибди. Бу усул ҳам анча иш берибди. Олинган пора пулини бошлиқ ахлат пақирга ташлашни сўраркан. Бунинг натижаси бўш чойнакдагидан ҳам яхшироқ бўлибди. Бировлар бостириб кирганда ҳам: "Мен ҳеч нарсани кўрганим йўқ. Ахлат пақирнинг ёнида ўтирган эди. Унга пул ташлаб кетганини қаёқдан билай", - деб тониб туриш осон экан-да.

Порахўрнинг уйини қаср дейсиз. Биллур қандиллар уйлар қолиб, ҳатто дарвозахонагача илиб ташланди. Хўш, кейин нима бўлди, дерсиз? Ўша порахўр қўлга тушмади. Лекин яқинда бир нохуш хабарни эшитдик. У кечаси машинани маст ҳолатда бошқариб бораётиб, бировнинг ахлат чуқурига ағанатиб юборибди. Уни ўша ҳандақдан тортиб олишиб, касалхонага жўнатишибди. У ерда эса чойнакдан оғзига сув томизишаётган пайтда жони узилибди.

Қаранг, порахўр қандай ҳийла ишлатган бўлса, қирқ тўрт ёшида худди ўша ҳийлалар домида у дунёга равона бўлибди. Тангри порахўрнинг ҳийласига монанд жазони ҳам бир кун бераркан-да.

**Комилжон НИШОНОВ.**

Oila va jamiyat № 8 (695) 24 феврал — 2 март 2005 йил Оила ва жамият



Турмуш сабоқлари

# Сўнгги ёлғон қурбони



Аброрнинг беҳисоб ваъдалари, қайта-қайта севги изҳори Назирани сармаст қилиб қўйди. Ўн етти ёшли Назира Аброрга қаттиқ ишонарди. Уларнинг бир-бирига ҳаддан зиёд яқинлиги учун Назира ҳомиладор бўлиб қолди. Бунга Аброр парво ҳам қилмади. Ойижониси топган келинга индамай уйланиб кетаверди...

Назиранинг кўзларига дунё қоронғу бўлиб, орзулари сароб, умидлари пучга чиқди. У нима қилишини билмасди. Ўтган ҳар бир кун унинг ҳомиласи ривожланиб, билиниб борарди. Бундан тезда Назиранинг ойиси хабар топди. Кейин барча қариндошлар... уларнинг "дийдиё"си, Аброрнинг бевафолиги... Назиранинг сўниб боришига сабаб бўлди. Паридек бу гўзалнинг егани ичига тушмас, кундан кун қуриб борарди. Ёш қиз тўсатдан келган ташвишдан одамови, паришон бўлиб қолди... Ярим тун. Ҳамма ширин уйқуда, Назира эса уйқу нима эканлигини унутган. У ўтирган жойидан сапчиб турди. Ўзи билмаган ҳолда оёқларига бўйсуниб, ҳовлидан ташқарига чиқди. Ой нури остида атроф ёруғ, жимжит эди. Миллионлаб миллиллаб турган юлдузлар Назирага шивирлаб нимадир демоқчи бўларди-ю...

Назира катта йўлга чиқди. У рўпарасидан келаётган машинани пайқамади... Қизнинг чинқириғи бутун қишлоқни ларзага солгандек бўлди. Довдираб қолган ҳайдовчи нима қилишини билмай қолди. Ногаҳоний фарёдни эшитиб, Назиранинг акаси чиқиб келди. Тезда қизни касалхонага олиб боришди. Аксига олиб қишлоқ касалхонасининг шифокорлари: "Бизда шароит йўқ", - деб шаҳар касалхонасига юборишди. Аммо қиз кўп қон йўқотганлиги учун шаҳар касалхонасида бу дунё билан видолашди. Тақдирни қарангки, шифокорлар унинг қорнидаги фарзандини асраб қолишди. Гўдак - ўғил бола эди. Болакай соғлом бўлиб, йиғисидан тоғ ларзага келгандай бўлди. Момақалдироқ чақиб, қаттиқ ёмғир ёғди.

Унинг исмини Ёдгор қўйишди. Бу гуноҳсиз жажжи, ёқимтой болакайни ҳали нималар кутаётганлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Ёдгор буваси ва бувисининг қўлида қолди. Кўрган киши уни ёқтириб қоларди. Ёдгор гарчи никоҳсиз туғилган бўлса-да, қариндошларининг эркатойига айланди. Ёдгор шу тариқа улғая бошлади. У мактабга чиқиб, биринчи синфдаёқ ўзини ҳаракатчан, билимга чанқоқлигини исботлади. Устозларининг оғзидан чиққан нарсани тез илиб оларди. Шунинг учун ўқитувчилар ҳам Ёдгорни яхши кўриб қолишди. Фақат баъзида болалар билиб-билмай унга озор беришар, таъсирчан Ёдгор эса бундан хафа бўлиб юрарди. Уйга келиб бувисидан: "Ойим қаерда? Дадам қаерда?" - деб сўрашини қўймасди. Саволларига жавоб топа олмаган Ёдгор катта анҳор бўйига бориб ўтирар, сувга термулганча ойиси билан дадаси ҳақида ўйларди. Ота-онаси бор болаларга ҳавас билан қарар, ўзиники йўқлигидан эса қаттиқ сиқиларди.

Йиллар ўтди. Ёдгор ҳам катта бўлиб қолди. У келишган, тенгдошларига қараганда, бақувват бўлиб борарди. Дарсликларни яхши ўзлаштириб олгани учун, синфдошларидан бир синф илгарилаб кетди. Саккизинчи синфда рус тили ўқитувчиси билан эркин гаплаша олар, тўққизинчи синфда эса немис тилида бемалол суҳбатлашадиган бўлди. У барча фанларга бирдек қарарди. Ҳатто баъзи ўқитувчилар Ёдгорнинг олдида бироз ҳайиқиб дарс ўтишарди. Негаки Ёдгор хоҳлаган вақтида билмаган нарсасини сўраб, ўқитувчини қийин аҳволга солиб қўярди. Бундан ташқари, Ёдгорнинг ширин муомаласи, тенгсиз одоби қизларни ўзига мафтун қиларди. Шу боис, доим синфдош қизлар унинг атрофида парвона эдилар. Бу ҳол бошқа ўғил болаларнинг ғашига тегарди. Баъзи синфдош ўртоқлари атайлаб қизларнинг олдида Ёдгорнинг ўтмишини юзига солиб, унинг обрўсини тўкишга уринишарди. Бунга қизлар эътибор беришмаса-да, Ёдгордан "ўтиб кетарди". У энди ойисининг ҳам, дадасининг ҳам ҳаёти ҳақида биларди. Шундоқ бўлса ҳам ойиси билан дадаси бўлишини жуда-жуда истарди.

*Мен туғилмай, бевафо отам,*
*Ойижоним ташлаб кетибди.*
*Бу дунёга келтирган онам,*
*Менинг кўнглим ғашлаб кетибди.*

*Улғаярман, кўнгли яримман,*
*Зорман ота-она меҳрига.*
*Соғинчларга бердим борим ман,*
*Чўмилдим сўнг армон заҳрига.*

Ёдгор бу шеърни юрагининг тубидан айтар, айтганда беихтиёр йиғлаб юборарди. Ёдгорга қўшни қиз Сарвиноз гоҳо далда берарди. Унга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Аммо она меҳрини ким ҳам бера оларди? Ҳар қалай Сарвиноз Ёдгорга яқин дўст эди.

Мактабда эса баъзи ўртоқлари Ёдгорга ёмонлик қилиш пайида эдилар. Бунинг учун ҳеч нарсадан қайтишмасди... Бир куни мактаб лаборатория хонасидан нимадир йўқолиб қолди. Тақдирни қарангки, бу нарсалар Ёдгорнинг папкасидан чиқди. У: "Мен ўғирламадим", - деб Худонинг зорини қилса ҳам ҳеч ким ишонмади. Ёдгор буни ким уюштирганини яхши биларди. Аммо индамади. Беайб ўсмир "ўғри" бўлиб, мактабдан ҳайдалди. Сўнгги куни у ўқувчиларга қарата:

- Сизлар мени айбсиз айбдор қилдинглар. Нафақат номим қора бўлди, балки менинг орзуларим, ниятларимдан айирдинглар. Ҳали мен ўғри эмаслигимга ишонч ҳосил қиласизлар, - деганча мактабни тарк этди.

Бу кўргуликдан Ёдгор баттар сиқилди. Кечалари ухламай тонг отгунча ниманидир узоқ ўйлар, аммо ўйига етолмасди. Тоғаси Ёдгорни ўзи билан дала ишларига олиб чиқа бошлади. Ўқиб катта одам бўлиш ниятидаги йигит, энди оддий дала ишчисига айланганди...

Мактаб директори ўғриликни бошқа болалар уюштирганлигидан хабар топгач, Ёдгордан узр сўраб, мактабга қайтишини илтимос қилди. Ёдгор орқага қайтишни истамади. Ўқитувчилар: "Бир шаҳарни обод қилгудек билимли бола хор бўлди", - дея қилиб қўйган ишларидан азобда эдилар. Фасллар бир-бирига ўрнини алмаштириб бераверди. Вақт ҳеч ким билан ҳисоблашмай ўтаверди. Бу орада Ёдгор вояга етиб, икки йил ҳарбий хизматни ўтаб келди. У янада кўркамлашиб, алп қомат бўлиб келди. Қишлоқ қизлари унга ҳавас билан боқарди. "Бу ўктам йигит кимга уйланаркан?" - дея қишлоқ қизларининг ичига ўт тушди.

Орадан кўп вақт ўтмай Ёдгорнинг отаси Аброр ака тўсатдан излаб келиб қолди.. Аброр ака ҳарчанд уринмасин, Ёдгор отаси билан гаплашишни истамади. Аброр ака Назирани хор қилгани учун Худо уни жазолаганди. У тирноққа зор эди.

Жаннатмакон юртимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Шу муносабат билан катта кураш мусобақаси бўлиб ўтди. Ёдгор умрида кураш билан шуғулланмаган бўлса-да, спортнинг бу турида ўзини синаб кўрди. Ва фахрли ўринга муносиб деб топилди. Бу воқеадан сўнг Ёдгорнинг обрўси янада ошиб кетди. Катта-ю кичик Ёдгорни "полвон" дея ўзгача ҳурмат билан қарай бошлашди.

Бир куни Сарвиноз Ёдгорга раис буванинг ўғлидан совчилар келаётганини айтиб қолди. Сарвиноз билан Ёдгорнинг бир-бирига ёшликдан кўнгли бор эди. Бундан Сарвинознинг ота-онаси ҳам, Ёдгорнинг тоғалари ҳам хабардор эдилар. Ёдгор вақтни бой бермай, тезда Сарвинозларникига совчиларини юборди. Натижада раис буванинг ўғлидан келган совчилар қуруқ қайтишди. Ёдгор билан Сарвиноз унаштирилди.

Қишлоқда анча обрўли бўлган раис бува бундан қаттиқ ранжиди. Ёдгорни Сарвиноздан айириб, уни ўзига келин қилишни режа қилди. Нима қилиб бўлмасин Ёдгорни йўқотиш керак эди. Ёдгорни колхоз фермасига чақиртирди. У ерда Ёдгорнинг икки-учта ўртоқлари ҳам бор эди. Улар роса ичишди.

Эрталаб Ёдгорни уйидан милиция ходими келиб олиб кетди. Эмишки, Ёдгор тунда колхоз фермасидан иккита сигир ўғирлабди... Бу - раис буванинг ҳийласи эди, албатта. Милиция Ёдгорнинг эътирозларига қулоқ ҳам солмади.

Ёдгорнинг буваси билан бувиси оламдан ўтиб кетишганди. Шу боис раис бува унинг тоғасини ёнига чақиртириб: "Агар жиянинг Сарвиноздан воз кечса, ўша ўғирланган молларни акт тузиб, Ёдгорни озод эттираман", - дебди. Содда тоғаси эса ҳеч нарсага тушунмай, тезда тўй ҳаракатини тўхтатди. Раис бува эса гапининг устидан чиқмади. Ўғли билан Сарвинознинг тўйи ўтгунча, Ёдгорни гумондор сифатида милиция пункитида ушлаб туришди. Тўй ўтгач, уни озод қилишди. Афсус, унда кеч эди. Ёдгор севганидан ажраб бўлганди. Бошини қаерга урмасин бефойда эди. Тоғаси Ёдгорни қамалмасин, деб тўйни бекор қилдирганига хафа бўлиб уйдан чиқиб кетди. Ёдгор ўзини ёлғиз ҳис қилиб, қаттиқ сиқилди. Энди бу қишлоқда яшашнинг қизиғи қолмади. У икки бор беайб ўғри бўлди. Шунинг учун бўккунча арoқ ичди. Икки синфдошидан, раис бувадан қасос олишни, дилига тугиб қўйди.

*Биринчи бор ўғри қилишди,*
*Мактабимдан айри қилишди.*
*Орзуимдан, ниятларимдан,*
*Айирдилар болалигимдан.*

*Иккинчи бор сохта ўғрилик,*
*Бошга солди қанча айрилиқ.*
*Севганимдан, гўзал ёримдан,*
*Айирдилар номус-оримдан.*

Орадан беш йил ўтди. Ёдгор дом-дараксиз кетди. Ортидан келган миш-мишларга ҳамқишлоқлари ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билишмасди.

...Ёдгор эса шаҳарда "маманам" деган кишиларнинг бирига айланди. Тагида машина, данғиллама уй, тўрт-бешта югурдаклари ҳам бор эди... Ёдгор шаҳарга келганда, ишлари юришмаганди. У Россияга жўнади. У ёқда икки йил қолиб кетди. Тошкентга қайтиб келганда, у ниҳоятда бадавлат эди. У пулни аямай ишлатарди. Тунги барларда қўриқчиси билан келадиган Ёдгордан барча ҳайиқиб турарди.

Шундай кунларнинг бирида Ёдгор бир қизни учратди. Унинг шўх-шаддодлиги йигитнинг эътиборини тортди. Қиз нафақат шўх, балки гўзал, эртаклардаги маликалардек мафтункор эди. Унинг хипча бели, меҳрли кўзлари, асалдек ширин сўзлари Ёдгорни сеҳрлаб қўйди. Ҳаётидан қиз зотини қанчалик ўчирган бўлмасин, йигит юраги ўша қиз томон талпинарди. Унинг беш йилдан бери музга айланган юраги эрий бошлаганди. Ёдгор қиз билан учрашиб, гаплашди. Қиз ҳам йигитни ёқтириб қолгани аён бўлди. Улар кунора учрашадиган бўлишди. Табиатан жиддий, камгап, босиқ йигит қизнинг асирига айланди-қолди. Ёдгор қизга ўтмишини гапириб бераркан, бугунги кунга қай тарзда эришганини ҳам яширмади - Россиядан олиб келган пулларига яширинча соф олтин сотиб олиб, уста заргарни ишга олгани, у билан беш йилга шартнома тузгани, махсус ертўлада унга турли хил тақинчоқлар ясатиб, белгиланган жойга олиб бориб сотишини ҳам айтиб берди.

(Давоми бор)

**Акбар ХОЛМАТОВ.**

# УЙЛАРИМИЗНИ БЕЗАБГИНА ҚОЛМАЙ...



***Баъзилар фақат дала ва тоғларда ўсадиган ўтларгина шифобахш деб ўйлашади. Уйда ўстириладиган хонаки ўсимликлар—алоэ яраларни тузатиши, каланхоэ шарбатидан эса грипп-тумов бўлганда фойдаланиш мумкинлилигини биламиз, холос. Аслида эса хонаки гуллар ва ўсимликлар уйларимизни безаш билан бирга, дардимизга даводир.***

**(Давоми.Боши ўтган сонда)**

**- Сил касаллигини даволашда** - традесканциянинг 3 ош қошиқ майдаланган барглари ва бандлари устига 1\2 стакан қайнатиб совутилган сув қуйилади. У икки соат турганидан кейин сузиб олинади ва барглари эзилиб, сиқиб олинади. Тайёр бўлган дамламани ҳар куни бир ош қошиқдан овқатланишдан олдин ичилади. Шарбатини эса ҳар куни янгисини тайёрлаб истеъмол қилиш зарур. **Даволаш муддати бир ой.** Зарурат бўлса икки ҳафтадан сўнг яна қайтарилади.

**Ошқозон ярасида** - қўшимча даво сифатида мана бу усулда тайёрланиб фойдаланилади. 3 ош қошиқ традесканция барглари устига бир стакан арок қуйилади. Уни салқин ва қоронғи жойга қўйиб бир ҳафта сақлангач, сузиб олинади. Ушбу аралашмани бир чой қошиқдан ҳар куни икки маҳал, овқатланишдан бир соат олдин ичилади. **Даволаш муддати 7-10 кун.**

**Томоқ оғриғи (ангина)** шамоллаш ва гриппнинг олдини олиш учун традесканциянинг 2 ош қошиқ майдаланган барглари ва бандлари устига 0,5 литр қайноқ сув қуйилиб, паст оловда 2-3 минут қайнатилади. Сўнг сузиб олинади ва ҳар куни 3-4 маҳал томоқ чайилиб, бурун ювилади.**Даволаш муддати - соғайгунча.**

**Милк касаллиги - (парадонтоз)да** традесканциянинг баргларидан тайёрланган шарбат билан милклар ҳар куни артилади.

Унча катта бўлмаган яра-чақалар, тилинган, кесилган жойларни, йирингли яралар ва тромбофлебитни даволашда ҳам ишлатилади. Бунинг учун жароҳатланган жой яхшилаб ювилади-да, сал эзилган традесканция баргларидан қўйилиб бинт билан боғланади. Жароҳат бутунлай тузалгунча барглар алмаштирилиб босилади.

**Қадоқни (мозол) -** йўқотиш учун традесканция баргларини шу жойга қадоқнинг устига тиббиёт пластири билан ёпиштирилади. Барглар қуригач яна янгиси боғланади.

## МЎЪЖИЗАКОР ЎСИМЛИК - ПЛЕКТРАНТУС

Бу хонаки яшил ўсимликни хонаки қичитқи ўт, ҳам дейишади. У кўп йиллардан буён инсонларнинг яшаш жойларини безаб келган. Уни хоналарда ўстирилса куя ва пашшаларни йўқ қилади. Бу ўсимликнинг барглари жуда мулойим ва юмшоқ бўлиб, қизиққон,



ҳар нарсага жаҳли чиқиб кетадиган кишиларга яхши таъсир қилиб, тинчлантиради. Невроз, мигрен, қон босими, зиқнафас (астма), ошқозон яраси бор кишилар уйларида плектрантус ўстиришса жуда фойдали.

**Сувли аллергияда -** бир ҳовуч янги баргларини қайноқ ўсимлик ёғи билан эзиб терига қўйилади. 15-20 минутдан кейин олиш мумкин.

**Тунги сийғоқликни** даволашда 2 ош қошиқ майдаланган барглар устига бир литр қайноқ сув қуйилади ва паст оловда 10-15 минут қайнатилади. У ярим соат туриши керак. Тайёр бўлганидан кейин эса ушбу дамламани ваннага тўлдирилган илиқ сувга қўшилади. Сўнг сийиб қўядиган бола шу сувда чўмилтирилади. Шунингдек, ҳар куни тоғорага тўпиққача етадиган илиқ сув қуйиб, шу дамламадан қўшилади. Сийиб қўядиган бола тоғорадаги сувга оёқларини солиб, шалоплатиб 5-7 минут ўтириши керак. **Бу муолажа уйқудан олдин қилинади.**

## ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИК

**Сансеверани** - чўртонбалиқнинг думи, қайнонанинг тили ҳам дейишади. Узун-узун баргли, ўсимликлар оламининг энг чидамли вакили ҳар қандай



шароитда ҳам ўсиши билан бошқалардан ажралиб туради. Қаровсиз ҳолда ҳам барқ уриб ўсаверадиган сансевера доимо келишмовчилик чиқиб, жанжал бўладиган хонадонларда тинчлик-хотиржамлик ва меҳр пайдо бўлишига ёрдам беради.

Агар сансеверани талаба ёки ўқувчиларнинг ёзув столи ёнига қўйилса ёки уларнинг хонасида ўстирилса ўқишда омадлар ёр бўлади. Шунингдек, талаба ўқиш давомида ишламоқчи ҳам бўлса бу ўсимлик унинг орзулари ушалишига ёрдам беради, омад келтиради.

Бироқ, уни ётоқхона ёки меҳмонхоналарга қўйиш мумкин эмас. Чунки, сансевера меҳмонхонадаги шинамликка путур етказиб тинч ухлашга халақит беради. Сансевера ўзи ўсаётган хонадон эгаларига бор хусусиятини, яъни ҳар қандай шароитда ҳам яшаш учун кураша олишдек қувватни бахш этади. Гриппдан, шамоллашдан асрайди.




**Аёлларнинг жинсий касалликларида (қин шамоллаганда),** - бир ош қошиқ баргларини майдалаб ҳар куни икки ош қошиқдан овқатдан кейин икки ҳафта давомида ичиб борилади.

**Циститда -** бир ош қошиқ барглар солинган дамлама кунига овқатдан сўнг уч-тўрт қошиқдан ичилади. **Даволаш муддати 10 кун.**

**Камқонлик, тилинган жойлар ва теридаги яраларни тузатиш учун -** сансевера барглари дамламасини сув билан 1:4 миқдорида аралаштирилиб, жароҳатланган жойга боғланади.

**Кулоқ оғриганда - (отит)** ҳар тўрт соатда оғриётган кулокка 2-3 томчи сансеверанинг илик шарбатидан томизиб туриш керак.

**Диққат!** Ҳомиладор аёлларга сансевера шарбатидан фойдаланиш мумкин эмас.

## АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРАДИ

**Духобагулни (плющ хойя) -** қаттиқ бандли, узунлиги уч-тўрт метргача борадиган, чирмовуқсимон бу гулни хонаки лиана, ҳам дейишади.

Кайфиятингиз бузилиб, асабларингиз қақшаганда бир неча минут вақтингизни духобагулнинг олдида ўтказинг. Унинг баргларини артиб, сув пурканг.



Бу гул билан мулоқотда бўлиш кайфиятингизни кўтариб, асабларингизни тинчлантиради. Кўнглингизга хотиржамлик бағишлайди.

Ҳавонинг ўзгариши ёки қаттиқ чарчоқдан бош оғриганда духобагулнинг 4 дона баргини пешонангизга ва чаккангизга боғлаб 20-30 минут хотиржам ўтирсангиз бош оғриғингиз ўтиб кетади.

**Чипқон (фурункул)**чиққанда духобагулнинг бир нечта баргларини яхшилаб эзиб, яранинг йиринг йиғилган жойига босиб бинт билан боғланади. Биринчи куни боғламани 2-3 марта алмаштириш тавсия этилади. Яра ёрилганидан кейин то тузалгунча янги барглар боғлашни давом эттириш мумкин.

**Йирингли ҳуснбузарлар тошганда -** бир нечта баргларни эзиб, бир ош қошиқ янчилиб ивитилган сули (овсянка) билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган бўтқасимон ниқобни тозаланган юзга суриб, 15 минутдан кейин ювиб ташланади. **Ушбу ниқобни бир ҳафтада икки марта килиш мумкин.**

## ПУЛ ВА БАХТ ДАРАХТИ

Семизбарг (толстянка) гули қадимдан- ҳар бир хонадонга бахт ва фаровонлик келтирадиган ўсимлик бахт дарахти сифатида қадрланиб, юмалоқ қалин қалин барглари учун уни: "Пул дарахти", деб ҳам аташган. Агар семизбарг барқ уриб ўсиб ётган хонадонда кимдир касал бўлса, у бемордаги салбий ҳолатни дарров ўзига тортиб олади ва барглари бужмайиб хиралаша бошлайди. Қачонки бемор тузалиб бутунлай соғайиб кетсагина, унинг барглари яна тирилиб, яшнаб кетади.

Саломатлиги заиф ва моддий танг аҳволда яшайдиган одамларга уйларида бу ажойиб ўсимликдан ўстириш тавсия этилади. У ўзи ўсаётган хонадонда енгил муҳит, қувонч ва яхши кайфият пайдо қилади. Уй эгаларига ўзларининг яхши томонларини кўрсата олишлари учун қувват беради. Бу ўсимликда юксакликни забт этишга, меҳнатни севишга, турли касаллик ва кўнгилсизликлар қарши дадил туриб, уларни енгишга чорлашдек сирли бир куч бор.

Лекин, шуни унутмаслик керакки, агар бу гулнинг баргларини чанг босган бўлса, ўзининг шифобахш хусусиятларини йўқотади. Бу ғаройиб ўсимлик ўзи ўсадиган хонадаги инсонларнинг у билан мулоқот килишларини хуш кўради. Шунинг учун вақти-вақти билан унинг баргларини артиб, парваришлаб туриш керак. Барглари устидан илиқ сув сепиб ювиш ҳам тавсия этилади. Ана шундагина бу ўсимликнинг шифобахш хусусиятлари янада ортади. Мабодо, уйингизда гуллайдиган бўлса, унда давлатингизнинг янада зиёда бўлиб кетишига шубҳа йўқ!

Табобатда ҳам кўп ишлатилади. Кесилган ёки тирналган жойларга босиш учун семиз



унинг барги ўртасидан иккига бўлиниб, сўнг жароҳатга босилади.

Буйракдаги шамоллашни даволаш учун бир чой қошиқни майдаланган семизбарг устига бир стакан қайноқ сув қуйилиб, паст оловда 15 минут қайнатилади. Бир соат тиндириб қўйиб, сузиб олинади. Уни бир ош қошиқдан кунига 2-3 маҳал овқатланишдан 15-20 минут олдин истеъмол қилинади.

## ХОНАКИ РУҲШУНОС

**Очишоқ**—деб аталмиш оч яшил тусдаги хонаки ўсимлик ўзи ўсаётган хонадондагилар учун бор қувватини сарфлайди. Айниқса, у кучсиз ва хафақон одамларга кўпроқ шодлик ва куч бағишлайди. Унинг таъсири шунчаликки, очишокнинг олдида жанжал қилмоқчи бўлаётганлар ҳам бирпасда тинчланиб, кайфиятлари яхшиланади. Халқона табобатда ҳам беқиёс шифолидир.

**Шамоллаш ва безгак касаллигида -** унинг бир ош қошиқ янги барглари устига бир стакан қайноқ сув қуйилади. Ярим соат тиндириб қўйилганидан кейин, сузиб олинади. Ушбу аралашмани бир ош қошиқдан ҳар куни 2-3 маҳал овқатланишдан олдин ичилади.Иложи бўлса уни кечқурун ичмаганингиз маъқул. Чунки, унинг таркибида тетиклаштирувчи моддалар уйқусизликка сабаб бўлиши мумкин.



**Кесилган ва узоқ вақт битмайдиган яраларни даволашда**- унинг барглари эзилади-да жароҳатга қўйилиб бинт билан сиқиб боғланади. Эрталаб ва кечқурун баргларни алмаштириш керак бўлади.

**Бавосилда (геморрой) -** очишокнинг баргларини 15-20 минут музхонага қўйиб музлатилади. Бўтқа ҳолига келгунча эзилгач бавосил тугунчалари устига босилади. Муолажани кун давомида 2-3 марта қайтарилади. Шунингдек, бу муолажа тунда қилинса, албатта яхши фойда беради.

**Куйганда -** ўсимликнинг шарбати сиқиб олиб докага ботириб олинади-да, куйган жойга қўйилади. **Бу муолажани ҳар 1-2соатда янгилиб то тузалгунча қайтариш мумкин.**

**Вазира САЙДОХУНОВА**
**шифокор.**

## ОБЛЕПИХА ЁҒИ СЕҲРИ

**- Облепиха мевасидан қандай қилиб ёғ олиш мумкин?**

- Облепиха ёғи-сеҳрли малҳам! Азалдан аждодларимиз у билан куйганни, совуқ урганни, турли ошқозон ва ичак касалликларини даволаганлар. Шундай усуллардан бири билан танишинг:

Мевани яхшилаб ювиб, қоронғи жойда қуритасиз. Сўнг кофе майдалагичда ёки ўғирчада туйиб, устига ёпиб турар даражада ўсимлик мойи қуясиз. Хона ҳароратида қуёш нури тушмайдиган жойда уни бир ҳафта сақлайсиз ва вақти-вақти билан аралаштириб турасиз. Шундан кейин ёғни сиқиб олиб, тинигунча кутасиз.

***Диққат! Эҳтиёт бўлинг, қуйқаси ёққа тушмасин!***

Тайёр малҳамни шиша идишга қуйиб, совутгичда сақлаш тавсия этилади.

## ЭКЗЕМАДАН ҚУТУЛАСИЗ

**—Экземадан қандай қутулиш мумкин?**

- Бу касаллик билан оғриганлар оқсилли ва шўр овқатлардан парҳез қилишлари шарт. Кўк чойгина организмни тозалаб, асабингизни тинчлантиради. Суви чиқиб турган экземага қўрғошин сувига ботирилган пахта ишлатилади. У билан 2%ли буров эритмаси ёки бор кислотаси эритмаси сурилади. Яранинг шилинишидан рух мойи қутқазади.

Бу касалликни даволашда яна бир халқона усулдан фойдаланиш мумкин: 2 ош қошиқ қатрон, 1 ош қошиқ ёнувчан суюқлик, 0,5 ош қошиқ асалари мўмиёси, 1 ош қошиқ асал, 1 ош қошиқ сирка эссенцияси, 4 ош қошиқ писта ёғи аралаштирилиб, 20 дақиқа паст оловда кавлаб турилади. Аралашмани совутиб, юпқа қилиб яраларга қўйилади. Иншооллоҳ, шифо топасиз.

## СЕПКИЛ БИЛАН ОЛИШУВ

Сариқ сочли хотин-қизларнинг териси жуда таъсирчан бўлади. Куёшли кунлар уларнинг кўнглига қил ҳам сиғмай қолади. Чунки ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндай, юзларини сепкил босиб кетади. Қўрқманг, унинг ҳам давоси бор. Қуйидаги тавсияларимизга 1 ой давомида риоя қилсангиз, олам гулистон.

**1.** Тухумнинг оқига ярим чой қошиқ лимон шарбатини қўшиб, эрталаб ва кечқурун юзингизни артинг. Аралашма терингизни тозалаб, оқартиради.

**2.** Сабзини қирғичдан чиқариб, 1 чой қошиқ сулиуни, тухум сариғи ва 20 томчи лимон шарбатини қўшиб аралаштирасиз. Юзингизга суриб, 20 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланг. Устидан эса совуқ сув билан чайинг.

**3.** Қирғичдан ўтказилган карам баргларига қатиқ қўшиб, 10 дақиқа юзингизга суртсангиз ҳам ниятингизга етасиз.

## ПОЛИЗДАГИ МЎЪЖИЗА

-Қовоқнинг илдизларидан олинган шарбат ўпка шамоллаши ва ўпкага сув йиғилиши (плеврит) касаллигини даволайди. Уни мунтазам ичиб туриш эса юз терисини тиниқлаштиради.

-Агар қовоқ шарбатига асал қўшилса, тинчлантирувчи ва қон босимини меъёрига келтирувчи дори тайёр деяверинг.

-Қадимги халқ табобатида камқонликни ҳам шу ажойиб шарбат аралашмаси билан даволашган. Яъни сабзи ва шолғом сувини тенг миқдорда қовоқ шарбатига аралаштириб, 1 ой мобайнида овқатдан олдин 1-2 ош қошиқдан ичилади.

-Организмингизда витаминлар етишмовчилиги туфайли ўзингизни беҳол сезсангиз, сабзи шарбатига петрушка кўкатини майдалаб солинг-да, доим ичиб юринг.

**Мадина САТТОРОВА тайёрлади.**

# БАРЧА НЕЪМАТДА БИР ХИСЛАТ БОР



Табобатнома

**—Юрак қон томирлари ва буйрак** хасталиги туфайли танада пайдо бўладиган шишларни қайтариш учун халқ табобатида бедадан муолажа учун фойдаланишган. Бунинг учун 100 гр. беда ўтининг устки қисмлари йиғиб олиниб, 0,5 литрдан кўпроқ қайноқ сув қўшилади ва 20 дақиқа давомида қайнатилади. Тайёр қайнатма 0,5 литрча бўлиши керак. Совугач докадан ўтказилади. Сўнг бир ош қошиқ асал аралаштирилиб, бир сутка давомида уч мартадан ичилса, шишлар тезда йўқолади.

**Томоқ-бурун йўллари шамоллаганда** ва сурункали бронхит хасталигини даволаш учун қуйидаги муолажадан фойдаланишган.

—Бир литр сувга 1 стакан шакар ва 1-2 дона тухумдек катталикдаги пиёзни пўсти билан солиб паст оловда то суюқликнинг ярмини буғланиб кетгунча қайнатилади. Тайёр бўлганидан сўнг пиёзларни олиб ташлаб пиёзли шарбатни ярим стакандан кунига уч марта ичиш тавсия этилади. Иложи бўлса қайноқроқ пайтида ичиш фойдали ҳисобланади.

Шу хасталикларни даволашда яна бир муолажа яъни кўк пиёзни майдалаб тўғраб ёки гўшт майдалагичдан ўтказиб асал билан аралаштириб кунига уч марта бир ош қошиқдан истеъмол қилиш ҳам жуда фойдали ҳисобланади. Муолажа учун пиёз ва асалнинг миқдори 1:1 тартибда олинади.

**Ошқозон бези хасталигини даволашда эрталаб** оч қоринга бир чой қошиқ асал ялаб устидан бир стакан илиқ сут ичиш ва шундан сўнг 4 соат давомида ҳеч нарса емаслик тавсия этилади.

**—Чивин, пашша ва арилар** чақиб олиб, оғриғидан азоб чекаётган бўлсангиз тезда петрушка баргларини олиб, янчиб чаққан жойга қўйсангиз дарҳол оғриғи босилади. Агар янги узилган петрушкалар бўлмаса, қуритилган баргларини стаканга солиб устидан қайноқ сув солиб ярим соат давомида дамлаб қўйиб, ҳашаротлар чаққан жойга суртсангиз тезда заҳрини олади.

**—Бирор жойингизда сўгал пайдо** бўлса, уни йўқотиш учун чистотел ўсимлигидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун чистотел ўсимлигини янчиб сувини сўгалнинг устига суртиш керак. Бу муолажани кунига уч марта такрорласангиз икки-уч кун ичида сўгалдан асар ҳам қолмайди.

**-Ревматизм (бод) ва подогра** хасталикларини даволашда халқ табобатидан маълум бўлган қуйидаги муолажадан фойдаланиш мумкин. Бу "шувоқли вино" муолажаси деб айтилади ва қуйидагича тайёрланади. 50-100 мл. гр. шувоқ шарбати (шувоқни майдалаб, янчиб суви докадан ўтказиб олинади) 400 гр. асал ва 3 литр табиий қизил ёки оқ вино билан аралаштирилиб, 3 дақиқа давомида қайнатилади. Сўнгра қайноқ ҳолда стерилланган шиша идишга солиниб, оғзи бекитилиб салқин жойда сақланади. Винодан дори сифатида орадан бир неча ой ўтгандан сўнг фойдаланилади. 20-30 граммдан ҳар уч кунда бир марта овқатдан олдин ичилади. Муолажани икки ой давомида қабул қилиш керак.

**-Халқ табобатида ҳар-хил хасталикларни даволашда** бодомдан ҳам кенг фойдаланилган. Маълум бўлишича бодом ўпка, жигар, ўт пуфаги ва ошқозон фаолиятини яхшилайди. Айниқса 100 гр. бодомни майдалаб устидан 0,5 литр қайноқ сув қўшиб қайнаш даражасигача аралаштирилиб иситилса "бодом сути" деб номланган дамлама ҳосил бўлади ва бу дамламадан овқатдан ярим соат олдин 50 граммдан ичилса ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Ундан ташқари кунига 10-20 донадан бодом ейиш ҳар қандай организм учун жуда фойдали ҳисобланади.

**-Тиш милкларини мустаҳкамлаш** учун уларни бўймадарон (тысячилетник) ўсимлигининг янги баргларидан сиқиб олинган шарбат билан уқалаш керак.

**-Қовоқ уруғини** пўстидан тозалаб сўнг майдалаб кунига бир ош қошиғи миқдоридан истеъмол қилинса юрак хасталиги учун яхши фойда беради.

**-Ич қотиб қолишда қаролини** ёки сулини қайнатиб сувини ичиш яхши фойда беради.

**-Бурун, томоқ** хасталигини даволашда туз ва ош содаси аралашмаси эритмасидан чайқаш учун фойдаланиш мумкин. Бунда ярим литр сувга бир чой қошиқ туз ва бир чимдим ош содаси солинади.

**-Тиш оғриғини** қолдиришда бир чой қошиқ ўсимлик мойини оғизга олиб, 10-15 дақиқа давомида сўриб-сўриб оғизни яхшилаб чайқасангиз яхши фойда беради.

**-Оғиздаги бадбўй** ҳидни йўқотиш учун петрушканинг баргларини чайнаш ёки ўрик истеъмол қилиш яхши натижа беради.

**-Радикулит хасталиги** бор кишилар белларига мисдан бўлган ингичка белбоғ осиб юрсалар яхши фойда беради.

**-Эркаклар ўз куч**-қувватларини оширишлари учун кўпроқ кўкатларни истеъмол қилишлари тавсия этилади. Бунда айниқса сельдер, кўк пиёз, қизил булғор қалампирининг натижаси яхши ҳисобланади.

**-Агар сизни ит тишлаб** олган бўлиб, шифокор ҳузурига боришнинг иложи бўлмаса дарҳол пиёзни майдалаб, асал ва бир неча томчи сирка аралаштириб бойлаб қўйиш тавсия этилади.

**-Сабзи шарбатининг** фойдали хусусиятлари шундаки, таркибида витаминга бойлиги билан алоҳида ўрин тутади. Айниқса юрак қон-томирлари хасталикларини даволашда, ошқозонда кислота миқдорини мувозанатга келтиришда яхши натижа беради.

**Лола АҲМЕДОВА**

# ЭРКАККА ОЖИЗЛИК ЯРАШМАЙДИ

**(Давоми. Боши 4-бетда)**

**- Хотинингиз билан муносабатингиз қандай?**

- Уни ҳеч қачон хафа қилмадим. Айтганини олиб бераман, тақинчоқми, либосми энг олдини маҳаллада шу кияди. Остида машина, истаган жойига бориб келаверади. Шуниси алам қиладики, ўша биринчи никоҳ куни нега шу аҳволга тушганимни ҳалигача тушунмаган. Аёл кишига ҳамма нарсани бадастир қилиб қўйсангиз бас экан-да. Кўнгли бунчалар тош бўладими-а, аёлларнинг? Охири бир-иккита аёллар билан учраша бошладим.

**- Аёлингиз буни билдими?**

- Энди аёлларнинг билмайдигани йўқ. У сезиб жанжал қилади. Ҳозир ҳам. Лекин, узоққа чўзилмайди унинг жанжали. Агар мени биров билан гаплашаётганимни билса хурсанд бўлиб кетади. Чунки, айбимни ювиш учун заргарлик дўконига бориб у танлаган тақинчоқларни олиб бераман-да. Шу билан тинчийди-қолади. Мен аёлман-ку, дадаси? Нега бундай қилдингиз, уят эмасми? -деб айтса эди... Унга барибир. Уйда ҳамма нарса етарли, рўзғорни яхшилаб таъминлаб қўйганман. Икки ўғлим, қизларим ўқимишли. Уларни ҳеч кимдан кам қилмадим. Ўғилларимга уй қуриб қўйдим. Қизларимнинг ҳамма бисоти тайёр. Ҳаммасининг кўнглини топдим, аммо, ўзимнинг кўнглим ҳасратли, армонли.

**- Фарзандларингиз катта экан. Сизнинг бу қилмишингизни эшитиб қолишиб кўнгиллари ўксимайдими?**

- Йўқ! Мен маҳалламизда, одамларнинг назарида топиш-тутиши яхши, бадавлат эркакман, холос. Ҳамманинг кўнглидагини топган бўлсам-да, бир инсон, ҳатто, хотиним ҳам дилимдаги дарду армоним билан қизиққан эмас. Шуларни ўйлаб ўзимга раҳмим келади, баъзан пинҳона йиғлаб оламан.

Маҳалладаги аёллар Ҳакима, яъни, хотиним янги тақинчоқ тақиб чиқса: "Акмал акамни яна биронтаси билан тутиб олибсиз-да",-деб ҳазил қилишаркан. Ана шунақа гаплар, синглим. Кўнгил бир синмасин экан, инсон оёқ-қўлсиз ҳам бахтли яшаши мумкин, агар кўнгли бут бўлса... Аммо, дарз кетган кўнгил билан фақат кун кўриш мумкин экан. Бу гапларим кулгули бўлса узр... Нима қилай, ахир мен ҳам кўнглимдаги дардимни кимгадир айтгим келди-да.

Шу пайт эркакнинг қўл телефони яна жиринглади. У узрини айтиб чиқиб кетди.

**У чиқиб кетаркан, кўнглимдан биринчи бўлиб «Эркакка ожизлик ярашмайди»,-деган гап ўтди. Тўрт кунлик дунёда кўнгилни кўтариб, ақл-фаросатни ишлатиб ён-атрофдаги одамлар билан келишиб, диллашиб яшаш лозим эмасми, ахир. Айниқса эркакчиликда...**

**Бугунги кунда медицина ҳамма нарсага қодир. Ҳатто эркакни аёлга, аёлни эса эркакка айлантиришаётгани ҳақида эшитамиз. Эр-хотин бир-бирига кўнгил сирини айтиб, маслаҳатлашиб тиббиёт ходимларига мурожаат қилиб, уларнинг амалий кўмагида ҳаётларига ғубор солган ҳолатдан фориғ бўлишлари мумкин-ку. Шундай эмасми?**

**Дилдор БЕГИМ.**

Шахсий ҳаёт

# НИЛУФАРНИНГ ДУШМАНИ КИМ?



- **"Ҳусн ҳам катта давлат", -дейишади. "Бегойим" кўрсатувининг мухлислари авваламбор бошловчисининг гўзаллигига маҳлиё бўлишса керак? Бу ҳақда ўзингизга ҳам айтишгандир?**

- Инсон биринчи ўринда ўзи учун "ёқимли" бўлиши керак, деб ўйлайман. Кейин... дўст-биродарлар даврасида гўзал (бу юқори чўққи) бўлмаса-да, "истарали" бўлиш ҳам ютуқ, менимча. Мен ниманики киймай, ўзимга ёққанини танлайман. "Моднийлик" хасталигига бегонаман.

- **Кийим ҳақида гапирдингиз. Бу мавзу атрофида роса айланишимиз мумкин. Нилуфар Умрзоқованинг фикрлари мухлислар учун ҳам қизиқарли...**

- Инсоннинг борини намоён қилиб турадиган-ЛИБОС. Унинг ҳар бир чокида, рангида, андозасида соҳибининг ақлу фаросати кўзга ташланади. Оддий, арзон матодан барчани "яна бир қарагисини келтирадиган" кийим тиктириш мумкин. (Қорнини очиб, ҳамманинг ғашига тегадиган кийимдан асрасин!)

- **Аёлнинг шим кийишига муносабатингиз?**

- Менимча, ярашса, ўз ўрнида шим ҳам қулай либос. Албатта, баданга ёпиштириб кийиш бундан мустасно.

- **Зиёфат, йиғинларда, иш ва кўчада қандай кийинасиз?**

- Тўғриси, зиёфатларга таклиф қилинсам, иложи борича ўзимга "қараб", бироз безакли либос кийишга ҳаракат қиламан. Ҳатто сумкачанинг ҳам байрамона хилини тутаман. Йиғинларга расмийроқ андозали кийим кияман. Иш ва кўчада ўзимга қулайроқ либосларда юраман.

- **Кунингизни қандай режалаштирасиз?**

- Кунларим бир-бирига ўхшамайди. Эрта тонгда нонушта тайёрлайман. Ўғлимни мактабга жўнатгач, ўзим учун ҳаракатга тушаман. Қиладиган ишларимни ён дафтарчамга қоралаб оламан. Ҳар кун ҳар хил режа — қаергадир бориб, кўрсатувим қаҳрамони билан суҳбатлашишим ёки тасвирга олиш учун узоқ-яқин манзилларга бориб келишимга тўғри келади. Кўрсатувни тасвирга олиш жараёни тугаган бўлса, унга сайқал бериш (монтаж) ишлари билан шуғулланаман. Бу машғулот баъзан ярим тунгача чўзилиши мумкин. Кўрсатув телевизор орқали намойиш этилганда, (ижодкорнинг бу машаққатлари албатта томошабинга билинмайди) чарчоғимиз бир зумда тарқаб кетганини сезмай қоламиз. Айниқса, биров: "Раҳмат-эй, зўр кўрсатув бўлибди!" - деб олқишлаганда, бир бўй ўсамиз. Ижодкорнинг кўнгли (ўзингиздан қолар гап йўқ) ёш боланикидай. Яхши гап илҳомлантиради, ёмон гап чўктиради. Аммо менинг зўр одатим бор — ёмон гапдан ҳам яхши хулоса чиқаришга ҳаракат қиламан.



*Нилуфар Умрзоқова — иқтидорли журналист, Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ёшлар каналининг "Бегойим" кўрсатуви муҳаррири ва бошловчиси.*

- **"Миш-миш"ларга тобингиз қалай? Яъни ким, "Кўп бил, душман агар битта бўлса ҳам, дўстинг мингта бўлса жуда камдир, кам"... дейишган...**

- Нима десам экан... Одамларнинг гапига қулоқ соламану, лекин хулосани ўзим қиламан. Душманим бор, деб ўйламайман. Балким бордир? Ахир ҲАСАД деган туйғу мавжуд-ку! Аммо, ҳаммага яхши гапираман, яхшилик қилишга интиламан. Айтишган-ку: "Яхшилик қил, дарёга от-балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар", - деб.

- **Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман, деган гап бор. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

- Дўстларим-ҳаётимнинг файзи, десам бўлади. Улар жуда кўп — синфдошларим, курсдошларим, ишдаги дўстлар, дилдош дўстлар... Умида опам, Нозима опам, Раънохон, Гулнора, Арофат, Дилноза... уланинг сафи кенг. Яхши-ёмон кунимизда бир-биримизни қўллаймиз, суяймиз. "Дўстинг кўп бўлса, юкинг ерда қолмайди", деган ҳикматнинг ҳақиқатлигини ҳаёт исботлайвераркан. Энг яқин дўстим, сирдошим эса ойижоним.

- **Дўст танлашда нимага эътибор берасиз?**

- Ҳаётга реал кўз билан қарайдиган одамларни ҳурмат қиламан. Сени яхши-ю, ёмонинг билан ҳазм қиладиган инсон — ҳақиқий дўстдир.

- **Аёлдаги "баландлик"ни нималарда кўрасиз?**

- Нафис дидли ва фаросатли аёлга қуллуқ қиламан.

- **Эркакдаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?**

- Тантилик, мардлик ва самимийликни қадрлайман.



- **Ота-онангизни "катта бойлигим" дедингиз...**

- Ҳа, ота-онадан катта давлат бўлмаса керак! Ойижоним Зумрадхон опа - 57 ёшда, дадам Толибжон ака — 58 ёшдалар. Икковлари ҳам нефтигаз бўйича муҳандис. Институтда бирга ўқишган. Жуда қувноқ ва донишманд инсонлар. Ота-она фарзандига ҳамиша яхшиликни раво кўради. Ойигинамнинг бир ўгитлари бор: "Бировга бир гапни сўзлашга ва бировга ўйламасдан пул беришга шошманглар", - дейдилар. Бу гапнинг ҳаётийлигини кўп синаганман. Доим унга амал қилишга ҳаракат қиламан. Дадажоним эса: "Иймондан айрилмаган ҳолда қалбга қулоқ солиш керак", - дейдилар. Улар билан эркин, дилдан гаплаша оламан. Улардай бўлишга интиламан. Бугун нимагаки эришган бўлсам, бу ҳаммаси улар туфайлидир. Ҳамиша уларга таъзим қиламан. Оилада 4 қизмиз. Опам, меноилали, сингилларим - Сайёра инглиз тили ўқитувчиси, Феруза институт талабаси. Менинг битта ўғилчам бор, исми Шерзод, 10 ёшга кирди. Япон тилини ўрганаяпти, "Каратэ"га қатнайди. Энди бирорта ҳунарни ҳам эгалласин, деб дурадгорликка, мусиқага ва радиотўгаракка бермоқчимиз. Жуда иқтидорли. Келажагидан умидим катта.



- **Нилуфархоннинг 31 ёшда ҳам ҳаёт бирор из ёки гард муҳрламаган юзларининг парвариши ҳақида билмоқчимиз.**

- Ҳақиқатни айтайми? (Жилмаяди)

- **Албатта. Бу мухлислар учун жуда муҳим...**

- Ҳар кун эрталаб қатиқ сураман юзимга... бўлди. Сочимни эса "Бриллиант" номли бўёқ ("шоҳона нур" ранги) билан бўяйман.

- **Қанақа таомларни яхши кўрасиз?**

- Кўпроқ турли хил салатларни хуш кўраман. Ичига «катта ёғ» солинадиган хамирли таомларни болалигимдан ёқтирмайман. Ўзим ҳам бўш вақтимда яхшигина пазандага айланаман. Асалли ва творогли тортларни ҳамда димлама шашлик - "Ҳанго"ни яхши тайёрлайман. "Ҳанго" хитойча овқат бўлиб, пишириш жуда осон: шапалоқдай-шапалоқдай урилган гўштнинг ичига чарви ўраб, тиш ковлагич билан чимдиб қўйилади. Сўнг қозонга озроқ думба ёғини солиб, гўштли бурамачаларни териб чиқамиз ва димлаб қўямиз. 20 дақиқадан сўнг "Ҳанго" шашлиги дастурхонингизни безайди.

- **Мухлисларимизга тилакларингиз...**

- Аёл оиласида ҳамиша бегойим, эркак—бек бўлиб яшасин!

- **Самимий суҳбат учун раҳмат!**

* * *

### НИЛУФАРДАН ҲАНГОМА

*Бир куни "Мезон" кўрсатуви муҳаррири Нозима опа билан кўрсатув тайёрлагани Андижон вилоятига бордик. Бизни кутиб олган аёл Нозима опа билан кўришаркан. Менга ҳам қўл узатди-ю, нуқул яна йўлга қарайди. Аввалига бировни кутаётган бўлса керак, деб жим турдик. Сўнг аёл Нозима опадан: "Бегойим" дан ҳеч ким келмадими?" - дея сўради. Биз бир-биримизга қараб кулиб юбордик. Мени Нозима опа билан келган "қизча" деб ўйлабди.*

*Кўпчилик мени экранда кўриб, басавлат аёл бўлса керак, деб тасаввур қилади. Бунинг сабаби бор. Баъзан кўрсатув тайёрлаётганимда, баланд бўйли одамлардан интервью олишимга тўғри келади. Шундай дамларда режиссёримиз оёғимнинг остига ғишт ёки тахта қўйиб, ўша одамларга баравarlаштиради. Шундан "бўйи баланд, барваста аёл" бўлиб юраман...*

**Санобар ФАХРИДДИНОВА суҳбатлашди.**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 137. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 17096
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАХРИДДИНОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

2 3 4 5 6